

**ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/27.02.2020.Fil.91.02  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАМАТҚУЛОВ МУЗАФФАР РАҲМОНҚУЛОВИЧ**

**XVII-XVIII АСРЛАР ЎЗБЕК АДАБИЁТИДА ФОЛЬКЛОР  
АНЪАНАЛАРИ ВА ПОЭТИКА МАСАЛАЛАРИ**

**10.00.02 – Ўзбек адабиёти, 10.00.08 – Фольклоршунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати  
мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора филологических  
наук (DSc)**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philological  
Sciences (DSc)**

**Маматкулов Музаффар Раҳмонкулович**

XVII-XVIII асрлар ўзбек адабиётида фольклор анъаналари ва поэтика  
масалалари..... 3

**Маматкулов Музаффар Раҳмонкулович**

Традиции фольклора и проблемы поэтики в узбекской литературе XVII-  
XVIII веков.....33

**Mamatqulov Muzaffar Rahmonqulovich**

Folklore traditions and problems of poetics in Uzbek literature of the  
17<sup>th</sup>-18<sup>th</sup> centuries..... 61

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

**Список опубликованных работ**

**List of published works..... 65**

**ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/27.02.2020.Fil.91.02  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАМАТҚУЛОВ МУЗАФФАР РАҲМОНҚУЛОВИЧ**

**XVII-XVIII АСРЛАР ЎЗБЕК АДАБИЁТИДА ФОЛЬКЛОР  
АНЪАНАЛАРИ ВА ПОЭТИКА МАСАЛАЛАРИ**

**10.00.02 – Ўзбек адабиёти, 10.00.08 – Фольклоршунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.3.DSc/Fil183 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Гулистон давлат университетида бажарилган.  
Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.guldu.uz](http://www.guldu.uz)) ҳамда «ZiyoNET» ахборот-таълим порталига ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилди.

Илмий маслаҳатчи:	Раҳмонов Насимхон Асқарович филология фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Тўхлиев Боқижон филология фанлари доктори, профессор Турдимов Шомирза Ганиевич филология фанлари доктори, профессор Қобилов Усмон Уралович филология фанлари доктори
Етакчи ташкилот:	Андижон давлат университети

Диссертация ҳимояси Гулистон давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/27.02.2020.Fil.91.02 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгашнинг 2022 йил «31» 03 кuni соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 120100, Гулистон ш., 4-мавзе, Тел.: (67) 225-42-75; факс: (67) 225-40-42; e-mail: [glsu\\_info@edu.uz](mailto:glsu_info@edu.uz)).

Диссертация билан Гулистон давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (5 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 120100, Гулистон ш., 4-мавзе. Тел.: (67) 225-42-75).

Диссертация автореферати 2022 йил «19» 03 кuni тарқатилди.  
(2022 йил «19» 03 даги 5 - рақамли реестр баённомаси)



**Б.Р.Менглиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филология фанлари доктори, профессор

**Ф.Г.Шарипов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, филология фанлари номзоди, доцент

**А.Э.Маматов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари, филология фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон фольклоршунослигида ёзма адабиёт намуналарида фольклор мотивлари, образлари, сюжетлари, бадиий тасвир воситалари ва бошқа масалалар олимларнинг доимий диққат марказида бўлиб келмоқда. Халқ оғзаки ижоди барча даврларда ҳам ёзма адабиёт учун ўзига хос манба сифатида муҳим рол ўйнаганлиги, халқ дostonлари сюжетлари ёзма адабиётга мансуб дostonлар шаклланишига ҳам маълум даражада хизмат қилганлиги ҳақидаги назарий қарашлар чуқурлаштирилди. Оғзаки адабиётга хос анъаналарнинг шаклланиши, тараққиёт мезонлари ва ёзма адабиётга таъсири халқ оғзаки ижоди билан ёзма адабиёт асарлари ўртасидаги уйғунлик ва ўзига хосликларнинг ечимини топишда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Дунё адабиётшунослиги ва фольклоршунослигида индивидуал ижод маҳсули бўлган асарлардаги халқ оғзаки ижодига хос анъаналарни қиёсий-типологик ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ёзма адабиётга алоқадор дostonларнинг фольклор манбалари тадқиқ этилиши халқ оғзаки ижоди ва ёзма адабиёт муносабатлари, ижодкорларнинг ўз асарларида фольклорга бўлган ижодий ёндашувлари, бу жараённинг алоҳида тараққиёт босқичлари ва қонуниятлари унинг махсус бир йўналиш сифатидаги ривожига асос бўлади.

Мамлакатимиз мустақиллиги ҳаётимизнинг ижтимоий ва маданий соҳаларидаги турли ўзгаришлар қатори оғзаки адабиётга бўлган эътиборни ҳам янада кучайтирди. Ўзбек ёзма адабиёти намуналарини халқ оғзаки ижоди билан қиёсий таҳлил қилиш орқали ижодкорларнинг бадиий тафаккур имкониятларини кўрсатиб бериш, тадқиқ этилаётган давр адабий жараённинг шаклланишидаги ўзига хос қонуниятларини ёритиш умуммиллий кадриятларни ўрганишга кўшилган муҳим ҳисса бўлади. “Ёшлар ўртасида мамлакатимиз бой тарихини, унинг бетакрор маданиятини ва миллий кадриятларини кенг тарғиб қилиш, жаҳон илм-фани ва адабиёти ютуқларини етказиш учун зарур муҳит ва шарт-шароит яратиш зарур”<sup>1</sup>. Бу борада ёзма адабиётнинг фольклордан озиқланиши ва унинг халқ руҳига яқин бўлган намуналарини юзага келтиришдаги роли, ўтмиш ижодкорларнинг оғзаки адабиётга бўлган муносабати ҳамда шоирларнинг ўз асарларида фольклор сюжет ва мотивларидан қай даражада фойдаланиш маҳорати каби масалаларни янада чуқурроқ тадқиқ этиш зарурати мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сон “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”ги фармони, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 13

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2017 йил, 16 январь.

сентябрдаги ПҚ-3271-сон “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 26 апрелдаги 304-сон “Бахшичилик ва дostonчилик санъатини янада ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация Республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида амалга оширилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи<sup>1</sup>.**

Фольклор ва ёзма адабиётнинг – икки поэтик тизимнинг тараққиёт қонуниятлари ва ўзаро таъсири масалаларини ўрганиш борасидаги тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказларида, хусусан, Идиана университети, Масарик университети (Чехия), Санкт-Петербург давлат университети, Урал давлат университети, Қозон федерал университети (Россия), Тарту университети (Эстония), Карнатака фольклор университети (Ҳиндистон), Корк коллеж университети (Ирландия), Низомий Ганжавий номидаги Адабиёт институти (Озарбайжон), Рудакий номидаги Тил ва адабиёт институти (Тожикистон), Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти, Ўзбекистон миллий университети, Тошкент давлат шарқшунослик университети, Самарқанд давлат университети, Бухоро давлат университети, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида олиб борилмоқда.

Жаҳон фольклоршунослиги ва адабиётшунослигида халқ оғзаки ижодининг ёзма адабиётга таъсири масалаларини ўрганишга йўналтирилган

---

<sup>1</sup>Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи  
<https://scholarworks.iu.edu/dspace/handle/2022/17504>; <https://scholarsbank.uoregon.edu/xmlui/handle/1794/11750>;  
[https://www.sas.upenn.edu/folklore/grad\\_program/handbook/Dissertations.pdf](https://www.sas.upenn.edu/folklore/grad_program/handbook/Dissertations.pdf);  
<https://docs.lib.purdue.edu/do/search/?q=folklore&start=0&context=119483&facet=>;  
<https://global.oup.com/academic/category/arts-and-humanities/literature/mythology-and-folklore/?cc=us&lang=en>;  
<https://www.universiteitleiden.nl/en/search?website=external-site&language=en&q=folklore>;  
[https://is.muni.cz/el/1421/jaro2014/ETMB75/Dundes\\_The\\_Meaning\\_of\\_Folklore.pdf](https://is.muni.cz/el/1421/jaro2014/ETMB75/Dundes_The_Meaning_of_Folklore.pdf);  
<http://folk.spbu.ru/Reader/veselova.php?rubr=Reader-lectures>;  
<https://elar.ufrj.br/bitstream/10995/1190/1/urgu0586s.pdf>; <https://dspace.kpfu.ru/xmlui/handle/net/6015/discover>;  
<https://www.dissertations.se/about/folklore/>;  
[https://hacettepe.academia.edu/Departments/Turkish\\_Folklore/Documents](https://hacettepe.academia.edu/Departments/Turkish_Folklore/Documents); <https://www.flku.ut.ee/en/folk>;  
<https://www.janapadauniversity.ac.in/English/>; <https://www.cuchd.in/folklore/>; <https://nirc.nanzan-u.ac.jp/nfile/631>;  
<https://www.ucc.ie/en/ck101/folklore/>; [https://science.gov.az/en/search?\\_token=GWVfNDh2cQ832DQNazbbKZI4AQIPD7GWcDmVH11&key=Folklore](https://science.gov.az/en/search?_token=GWVfNDh2cQ832DQNazbbKZI4AQIPD7GWcDmVH11&key=Folklore); <http://www.iza.tj/>; <https://tai.academy.uz/ru>; <https://www.nuu.uz/>;  
<https://tsuos.uz/>; <https://samdu.uz/>; <https://buxdu.uz/index.php/uz/>; <https://navoiy-uni.uz/uz> ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

тадқиқотлар асосида қўйидаги илмий натижалар олинган: жаҳон фольклоршунослиги муаммолари, этнография ва фольклор поэтикаси ўртасидаги алоқадорлик ўрганилган (Орегон университети (АҚШ), мифология ва фольклор масалаларига бағишланган луғатлар нашр этилган (Оксфорд университети (Буюк Британия), халқ оғзаки ижоди ва ёзма адабиётнинг ўзаро алоқалари қиёсий таҳлил қилинган (Пенсильвания университети (АҚШ), Ҳачаттепе университети (Туркия) ва Нанжан университети (Япония), топишмоқлар, мақоллар, маросим қўшиқлари, эртақлар ва фольклорнинг бошқа кичик жанрларига хос хусусиятлар тадқиқ этилган (Лейден университети (Голландия).

Дунё фольклоршунослигида ёзма адабиёт ва оғзаки ижод анъаналари, мифологик образларнинг индивидуал ижод намуналарида тутган ўрни каби устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда: ўтмишда яратилган ёзма адабиётга мансуб бадиий асарларда фольклорга хос анъаналарнинг тутган ўрнини аниқлаш; шеърий санъатларнинг бадиий асар таркибидаги ўзига хос вазифасига баҳо бериш; мифологик образларнинг шаклланиши ва таракқиёти қонуниятларини таҳлил қилиш; дostonлар таркибида қўлланиладиган кичик жанрларнинг ўзига хос тақомилини ўрганиш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳон ва ўзбек фольклоршунослигида ёзма адабиётни халқ оғзаки ижоди намуналари билан қиёсий ўрганиш борасида анчагина бой тажриба тўпланган. Хусусан, А.Аарне, Я.Мелвилл, А.Дандес, У.Р.Баском, К.С.Голдштейн, Е.О.Арева, Р.М.Дорсон, П.Ж.Клауз, Ж.М.Фoley, Ф.М.Пик, К.Янка, Э.А.Коловос, Х.М.Эл-Шаами, С.Ж.Броннер, В.С.Новиков, Н.М.Чуякова, Д.Н.Медриш, Р.М.Майндурова, А.Л.Фокеев, Ю.В.Рождественский, В.П.Андрианова-Перетц, Д.С.Лихачев, У.Б.Далгат, Е.М.Мелетинский, В.Я.Пропп, М.Афзалов, Н.Маллаев, М.Ҳакимов, И.Ярматов, Н.Раҳмонов, Б.Тўхлиев, Ғ.Мўминов, Т.Хўжаев, М.Нарзикулова, Л.Шарипова каби олимлар тадқиқотларида фольклор ва ёзма адабиёт муносабатларини ўрганиб, ўз қарашларини илгари сурганлар<sup>1</sup>.

<sup>1</sup>Қаранг: Aarne A. Leitfaden der Vergleichenden Marchenforschung. –Harnina, 1913; Melville J. The Content and Style of an Oral Literature. –Chicago, 1959; Dundes A. The Study of Folklore. –Englewood: Prentice-Hall Inc., 1965; Dundes A. Metafolklore and Oral Literary Criticism. –Englewood: Prentice-Hall Inc., 1966; Bascom W.R. Four Functions of Folklore. Journal of American Folklore, 7, 1954; Goldstein K.S. A Guide for Field Workers in Folklore. –Hatboro: FA, 1967; Arewa E.O., Dundes A. Proverbs and the Ethnography of Speaking Folklore. American Anthropologist, 66, 1964; Dorson R.M. Folklore in the Modern World. –Berlin: De Gruyter Mouton, 1978; Claus P.J. et al. South Asian Folklore. London: Routledge, 2002; Foley J.M. Oral Tradition in Literature. University of Missouri Press, 1986; Peek P.M., Yankah K. African Folklore. –New York: Routledge, 2004; Kolovos A.A. Archiving Culture: American Folklore Archives in Theory and Practice. –Bloomington: Indiana University Press, 2010; El-Shamy H.M. Folkloric Behavior: A Theory for the Study of the Dynamics of Traditional Culture. –Bloomington: Indiana University Press, 1967; Bronner S.J. The Meaning of Folklore. –Logan: Utah State University Press, 2007; Новиков В.С. Фольклор как феномен культуры общества. Дис. на соискание уч. степени к.ф.н. – Москва, 2002; Чуякова Н.М. Сатира и юмор в устном народном творчестве адыгов. Дис. на соискание уч. степени д.ф.н. –Майкоп, 2010; Поздеев В.А. Фольклор и литература в контексте третьей культуры. Дис. на соискание уч. степени д.ф.н. –Москва, 2003; Медриш Д.Н. Литература и фольклорная традиция. Вопросы поэтики. –Саратов, 1990; Майндурова Р.М. Фольклорные традиции в творчестве Гамзата Цадасытема. Автореферат диссертации кандидат филологических наук. –Махачкала, 2007; Фокеев А.Л. Неиссякаемый

Сайёдийнинг “Тоҳир ва Зухро”, Сайқалийнинг “Баҳром ва Гуландом”, Нишотийнинг “Ҳусн ва Дил” дostonлари юзасидан ўзбек адабиётшунослигида айрим ишлар амалга оширилган. Хусусан, В.Абдуллаев, А.Иброҳимов, Х.Расулев, Б.Валихўжаев, Р.Орзибеков, Н.Жумахўжа ва И.Адизова кабиларнинг XVII-XVIII асрлар ўзбек адабиётининг ривожланиш босқичлари ва тараққиётининг ўзига хос хусусиятлари ҳақидаги кузатишлари диққатга сазовор<sup>1</sup>.

XVII-XVIII асрлар ўзбек адабиёти ҳақида сўз борганда, академик В.Абдуллаевнинг “Ўзбек адабиёти тарихи” дарслигини алоҳида таъкидлаш лозим. Чунки олим мазкур давр адабиёти ва унинг намояндалари ижодини тадқиқ этиш билан бирга уларни кенг халқ оммаси учун оммалаштириш борасида ҳам улкан ишларни амалга оширди. Х.Расулев ўзбек мумтоз шеъриятида халқчиллик масаласини ўрганар экан, Нишотийнинг “Ҳусн ва Дил” ва Сайқалийнинг “Баҳром ва Гуландом” дostonларида Навоий анъаналари масаласига алоҳида эътибор қаратади. Б.Валихўжаев ўзбек эпик поэзияси тараққиёти борасида фикр юритиб, дostonчилигимиз ривожланишини махсус даврларга бўлади ва ўзбек адабиётида XVI-XIX асрларда яратилган дostonларни ўзигача мавжуд “анъананинг қўллаб-қувватланиши ва ривожлантирилиши” даври деб атайди. Р.Орзибеков ҳам мазкур давр адабиётига хос хусусиятлар тўғрисидаги кузатишларини алоҳида китоб ҳолида нашр эттирган эди.

Сайёдийнинг “Тоҳир ва Зухро” дostonи 1960 йилда шарқшунос олима Т.Нишонбоева томонидан нашр этилган. Китобда шоирнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида айрим мулоҳазалар берилади<sup>2</sup>. Сайёдий тўғрисидаги кейинги маълумот В.Абдуллаевнинг “Ўзбек адабиёти тарихи” китобида ривожлантирилади<sup>3</sup>. Р.Орзибеков ва Қ.Тоҳировлар томонидан тайёрланган “Тоҳир ва Зухро” асари ҳақидаги қарашлар 5 томлик “Ўзбек адабиёти

---

источник. Устное народное творчество; Рождественский Ю.В. Общая филология. –Москва: Фонд "Новое тысячелетие", 1996; Андрианова-Перетц В. П. Древнерусская литература и фольклор. –Ленинград, 1974; Долгат У. Б. Литература и фольклор. –Москва, 1981; Мелетинский Е.М. Поэтика мифа. –Москва, 1995; Пропп В.Я. Фольклор и действительность. –Москва, 1976; Афзалов М. “Фарход ва Ширин” дostonининг халқ вариантлари. –Тошкент: Фан, 1950; Маллаев Н. Алишер Навоий ва халқ ижодиёти. –Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1974; Ҳакимов М. Алишер Навоий лирикаси ва халқ оғзаки ижоди. –Тошкент: Фан, 1979; Ярмагов И. Типология фольклоризмов в современной узбекской литературе (60-е и начало 80-х годов). Автореф. дисс. канд. филол. наук. –Тошкент, 1985; Раҳмонов Н. Урхун-Енисей ёдномалари ва туркий эпослар. Фил. фан. док. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис-я. –Тошкент, 1991; Тухлиев Б. “Кутадгу билиг” Юсуф Хас Хаджиба и тюркоязычный фольклор. Автореф. дисс. док. филол. наук. –Ташкент, 1992; Мўминов Ғ. Ҳозирги ўзбек адабиётида фольклоризм: Фил. фан. док. дисс. автореф. –Тошкент, 1994; Хўжаев Т. XV асрнинг биринчи ярми ўзбек адабиёти ва фольклор. Фил. фан. ном. дисс. автореф. –Тошкент, 1996; Нарзикулова М. “Сабаи сайёр” дostonида фольклоризмлар ва ўзбек фольклоризмидаги Баҳром сюжетининг талқини. Фил. фан. ном. дисс. автореф. –Тошкент, 2006; Шарипова Л. XX аср иккинчи ярми ўзбек шеърияти бадий тараққиётида фольклор. Фил. фан. док. дисс. автореф. –Тошкент, 2019.

<sup>1</sup>Абдуллаев В. Ўзбек адабиёти тарихи. –Тошкент: Ўқитувчи, 1980; Иброҳимов А. XVI аср ўзбек адабиётининг ўзига хос хусусиятлари. –Тошкент: Фан, 1976; Расулев Х. Ўзбек классик шеъриятида халқчиллик. –Тошкент: Фан, 1982; Валихўжаев Б. Ўзбек эпик поэзияси тарихидан. –Тошкент: Фан, 1974; Орзибеков Р. Ўзбек адабиёти тарихи. –Тошкент: Адабиёт жамғармаси, 2006; Jumaxo‘ja N., Adizova I. O‘zbek adabiyoti tarixi (XVI-XIX asr I yarmi). –Toshkent: Innovatsiya-Ziyo, 2020.

<sup>2</sup>Сайёдий. Тоҳир ва Зухра. –Тошкент: Фан, 1960.

<sup>3</sup>Абдуллаев В. Ўзбек адабиёти тарихи. –Тошкент: Ўқитувчи, 1980. –Б. 56-65.



тарихи” китобининг 3-томига ҳам киритилган<sup>1</sup>. Н.Жумахўжа ва И.Адизовалар ҳаммуаллифлигида нашр қилинган дарсликда ҳам “Тоҳир ва Зухро” достони тўғрисида қизиқарли маълумотлар берилган<sup>2</sup>. Ф.Маматқулова ҳам ўз тадқиқотида Сайёдий ижоди ҳақида тўхталиб ўтади<sup>3</sup>. Сайёдийнинг “Тоҳир ва Зухро” достони 2019 йилда лотин имлосида матний камчиликлари тузатилган ҳолда қайтадан нашр этилган<sup>4</sup>.

Сайқалий ҳақидаги фикрлар П.Қайюмовнинг “Тазкирайи Қайюмий” асарида ҳам учрайди. Муаллиф тазкирада шоир тўғрисида анчагина батафсил маълумот беришга ҳаракат қилади<sup>5</sup>. Сайқалийнинг “Баҳром ва Гуландом” достони ҳам 1960 йилда илк бор нашр этилган<sup>6</sup>. Уни Р.Алиев нашрга тайёрлаган. Р.Алиев Сайқалийнинг “Баҳром ва Гуландом” асари юзасидан номзодлик диссертациясини амалга оширган<sup>7</sup>. Р.Орзибеков ва Қ.Тоҳировларнинг Сайқалий ва унинг “Баҳром ва Гуландом” достони хусусидаги кузатишлари 5 томлик “Ўзбек адабиёти тарихи” китобининг 3-томида ҳам келтирилган<sup>8</sup>. М.Муҳиддинов “Баҳром ва Гуландом” сюжетининг сюжетининг манбалари ва унинг ўзбек версияларини, шунингдек, Сайқалийнинг “Баҳром ва Гуландом” достонини қиёсий тадқиқ этган<sup>9</sup>. С.Сойипов Сайқалийнинг “Қиссаси Сайқалий” асарини матншунослик нуқтаи назаридан махсус ўрганган<sup>10</sup>.

П.Қайюмовнинг “Тазкирайи Қайюмий” асарида Нишотийнинг номи ҳам тилга олиниб, унинг ижодидан намуналар келтирилади<sup>11</sup>. Шоирнинг “Хусн ва Дил” достони 1967 йилда шоир шеърлари билан биргаликда алоҳида китоб ҳолида нашр этилган<sup>12</sup>. Нишотий ҳақидаги маълумотлар В.Абдуллаевнинг тадқиқотлари<sup>13</sup>, шунингдек, 5 томлик “Ўзбек адабиёти тарихи” китобининг 3-томида бор<sup>14</sup>. М.Қосимова “Муҳаммадниёз Нишотий” номли рисола ҳам эълон қилган<sup>15</sup>. Н.Жумахўжа ва И.Адизовалар ҳам “Ўзбек адабиёти тарихи (XVI-XIX аср I ярми)” номли дарслигида Нишотий ижодига алоҳида эътибор

<sup>1</sup>Ўзбек адабиёти тарихи. 5 томлик, 3-том. –Тошкент: Фан, 1978. –Б. 171-178.

<sup>2</sup>Jumaxo'ja N., Adizova I. O'zbek adabiyoti tarixi (XVI-XIX asr I yarmi). –Toshkent: Innovatsiya-Ziyo, 2020. –B. 31-43.

<sup>3</sup>Маматқулова Ф. “Тоҳир ва Зухра” достони туркий версияларининг қиёсий таҳлили. Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган дис-я. –Тошкент, 2020. –Б. 60-73.

<sup>4</sup>Sayyodiy. Tohir va Zuhro (nashrga tayyorlovchi va so'z boshi muallifi – M.Mamatqulov). –Toshkent: Mumtoz so'z, 2019.

<sup>5</sup>Қайюмов П. Тазкирайи Қайюмий. –Тошкент, 1998. –Б. 73-77.

<sup>6</sup>Сайқалий. Баҳром ва Гуландом. –Тошкент: Фан, 1960.

<sup>7</sup>Алиев Р. Собир Сайқалий ва унинг “Баҳром ва Гуландом” достони. Фил. фан. ном. дис. авто. –Тошкент, 1964.

<sup>8</sup>Ўзбек адабиёти тарихи. 5 томлик, 3-том. –Тошкент: Фан, 1978. –Б.178-186.

<sup>9</sup>Муҳиддинов М. Барҳаёт анъаналар. –Тошкент: Фан, 1987.

<sup>10</sup>Сойипов С. Собир Сайқалийнинг “Қиссаи Сайқалий” асари ва унинг фиёсий текстологик тадқиқи. Фил. фан. номзоди диссертацияси автореферати. –Тошкент, 2008.

<sup>11</sup>Қайюмов П. Тазкирайи Қайюмий. –Тошкент, 1998. –Б. 266.

<sup>12</sup>Нишотий. Хусн ва Дил. Лирика. –Тошкент: Бадиий адабиёт, 1967.

<sup>13</sup>Абдуллаев В. XVII-XVIII асрларда Хоразмда ўзбек адабиёти. Фил. фан. док. диссертацияси. –Самарқанд, 1958; Ўзбек адабиёти тарихи. –Тошкент: Ўқитувчи, 1980. –Б.176-203.

<sup>14</sup>Ўзбек адабиёти тарихи. 5 томлик, 3-том. –Тошкент: Фан, 1978. –Б.304-333.

<sup>15</sup>Қосимова М. Муҳаммадниёз Нишотий. –Тошкент: Фан, 1987.

қаратадилар<sup>1</sup>. Нишотий ижоди юзасидан О.Абдурахмонованинг “Нишотий мунозараларининг матний таҳлили” мавзуидаги диссертацияси ҳам кейинги йиллардаги жиддий ишлардан бири бўлди<sup>2</sup>.

Кўринадики, тадқиқот объекти қилиб олинган асарларга кўпроқ адабиётшунослик ва манбашунослик нуқтаи назаридан фикрлар билдирилган, холос. Сайёдийнинг “Тоҳир ва Зухро”, Сайқалийнинг “Баҳром ва Гуландом” ҳамда Нишотийнинг “Хусн ва Дил” дostonлари фольклор замини юзасидан алоҳида тадқиқотлар яратилмаган. Бу эса мазкур асарлар бўйича фольклоршуносликда ҳали ўрганилиши лозим бўлган муаммолар борлигидан далолат беради.

**Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Гулистон давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №27 “Ўзбек адабиётшунослигининг долзарб муаммолари” мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Сайёдий, Сайқалий ва Нишотий асарларига халқ оғзаки ижоди анъаналарининг таъсири, мифология ва ёзма дostonчилик тараққиёти, ижодкорнинг дostonнавислик маҳорати, жанрлар такомили, дostonларда бадиий санъатларни қўллаш маҳорати масалаларини очиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

XVII-XVIII асрларда яратилган ёзма адабиётга мансуб дostonларнинг тарихий илдизларини аниқлаш;

шоирларнинг фольклор анъаналаридан фойдаланишдаги ўзига хос тажрибаси ва маҳоратини кўрсатиб бериш;

дostonлар таркибида кичик жанрларнинг қўлланилиши ижодкор услуги билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган ҳодиса эканлигини асослаш;

ёзма адабиётга алоқадор дostonлардаги мифологик образлар ва уларнинг фольклор сюжетларини пайдо қилишдаги роли ва ўрнини очиб бериш;

“Тоҳир ва Зухро”, “Баҳром ва Гуландом” ҳамда “Хусн ва Дил” асарларида қўлланилган ташбеҳ, муболаға, ирсол ул-масал каби шеърий санъатларнинг дostonлар бадииятида тутган ўрнига баҳо бериш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Сайёдийнинг “Тоҳир ва Зухро”, Сайқалийнинг “Баҳром ва Гуландом” ҳамда Нишотийнинг “Хусн ва Дил” дostonлари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни XVII-XVIII асрлар ўзбек адабиётида яратилган дostonлар, уларнинг сюжетлари генезиси, ёзма адабиёт ва фольклор муносабатлари ташкил этади.

<sup>1</sup>Jumaxo‘ja N., Adizova I. O‘zbek adabiyoti tarixi (XVI-XIX asr I yarmi). –Toshkent: Innovatsiya-Ziyo, 2020. –B. 395-407.

<sup>2</sup>Абдурахмонова О.И. Нишотий мунозараларнинг матний таҳлили. Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражаси учун ёзилган диссертация. –Тошкент, 2021.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида тарихий-қиёсий, семантик-структурал, қиёсий-типологик, этнофольклористик, контекстуал таҳлил усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

XVII-XVIII асрлар ўзбек адабиёти ва фольклор намуналари ўртасидаги мавзу, мотив, сюжетга алоқадор ғоявий-бадиий муштараклик ҳамда тасвир жараёнидаги ихчамлик, батафсиллик, бўрттириш ва кучайтириш каби ўзига хосликлар аниқланган;

наsr ва назмнинг аралаш ҳолда қўлланилиши ёзма адабиётга мансуб дostonларда ҳам давом этганлиги ижодкорнинг индивидуал услубига алоқадор бўлиб, тасвир жараёнида фольклор анъаналари таъсири орқали вужудга келадиган адабий ҳодисалардан бири эканлиги асосланган;

“Тоҳир ва Зухро”, “Баҳром ва Гуландом” дostonлари таркибида қўлланилган ғазал, мухаммас, мусаддас, тўртлик ва мустазод каби кичик жанрларнинг вазифаси мазкур асарлар сюжети ҳамда қахрамонлари таъриф-тавсифи, рухий ҳолати ва ички кечинмалари билан боғлиқ ҳолда юзага келганлиги исботланган;

исломдан олдинги даврларда пайдо бўлган пари, дев, аждар, исломий тасаввур ва тушунчалар асосида шаклланган Хизр, қакнус, анқо, Боғи Эрам, Кўҳи Қоф каби образларнинг ёзма адабиётга мансуб дostonлардаги бош қахрамонларга алоқадор бадиий-эстетик вазифаси аниқланиб, уларнинг бадиий матн таркибида англатадиган образлар шаклланиши ва генезисига хос мифологик мазмуни очиб берилган;

Сайёдийнинг “Тоҳир ва Зухро”, Сайқалийнинг “Баҳром ва Гуландом” ҳамда Нишотийнинг “Хусн ва Дил” дostonларида ўхшатиш, муболаға ва ирсол ул-масал каби шеърӣ санъатлар фольклор асарлари заминида шакллангани ва ижодкорнинг поэтик ниятини амалга оширувчи асосий воситалардан бири эканлиги исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

XVII-XVIII асрлар ўзбек ёзма адабиёти ва фольклор асарлари орасидаги ўзаро ўхшашликлар аниқланиб, ишқий дostonлар генезисига оид хусусиятлар очиб берилган;

Сайёдий, Сайқалий ва Нишотийлар томонидан ёзилган дostonлар ҳамда халқ оғзаки ижоди намуналаридаги мифологик образларга хос уйғунликлар назарий жиҳатдан асосланган;

“Тоҳир ва Зухро”, “Баҳром ва Гуландом”, “Хусн ва Дил” асарларида қўлланилган тўртлик, ғазал, мухаммас, мусаддас ва мустазод жанрлари такомилидаги ўзига хос янгиланишлар илмий асосда далилланган;

бадиий тасвир воситаларининг ёзма адабиётга мансуб дostonлардаги поэтик вазифасига баҳо берилган;

Сайёдий, Сайқалий, Нишотий каби шоирларнинг дostonнавислик маҳорати ўрганилиб, уларнинг ўзбек адабиёти тарихида тутган мавқеи кўрсатилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** “Тоҳир ва Зухро”, “Баҳром ва Гуландом” ҳамда “Ҳусн ва Дил” асарлари халқ оғзаки ижоди намуналари билан қиёсий таҳлилга тортилганлиги, дostonларнинг жанр хусусиятларига баҳо берилиб, уларнинг поэтикаси масалалари тадқиқида аниқ илмий манбаларга таянилганлиги, тадқиқот натижасида чиқарилган хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги ва ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги, ечилиши лозим бўлган муаммоларнинг жаҳон фольклоршунослиги ва адабиётшунослигининг энг сўнгги ютуқлари асосида ҳал этилганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Сайёдийнинг “Тоҳир ва Зухро” дostonи ҳамда “Тоҳир ва Зухро” халқ эртаги сюжети ўзаро солиштирилганлиги, Сайқалийнинг “Баҳром ва Гуландом” асарида халқ эртақларига хос хусусиятларнинг мавжудлиги махсус ўрганилганлиги, Нишотийнинг “Ҳусн ва Дил” дostonи ҳамда халқ оғзаки ижоди образларининг ўзаро алоқалари илк бор илмий таҳлилга тортилганлиги, фольклор ва ёзма адабиёт сюжет тизимида яхлитлик ва хилма-хиллик борасидаги кузатишлар ўзбек адабиёти тарихи ва ўзбек халқ оғзаки ижодини янада бойитишга хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти диссертациядаги хулоса ва тавсиялардан олий таълим муассасалари учун “Ўзбек адабиёти тарихи”, “Ўзбек халқ оғзаки ижоди” каби дарслик ва қўлланмалар яратишда, маъруза ва семинар машғулотлари мазмунини бойитишда, битирув малакавий ишлари, магистрлик диссертациялари ёзишда, маънавий қадриятларимизнинг ўрни ҳақида маърузалар ўқишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Сайёдийнинг “Тоҳир ва Зухро”, Сайқалийнинг “Баҳром ва Гуландом” ҳамда Нишотийнинг “Ҳусн ва Дил” дostonларини халқ оғзаки ижоди намуналари билан қиёсий тадқиқ этиш жараёнида олинган илмий натижалар асосида:

XVII-XVIII асрларда яратилган дostonлардаги фольклор анъаналари ва поэтика масалаларини ўрганиш жараёнида эришилган илмий-назарий хулосалардан OT-F-030 рақамли “Ўзбек адабиёти тарихи” кўп жилдлик монографияни (7-жилд) чоп этиш” мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг 2021 йил 15 сентябрдаги 04/1-1568-сон маълумотномаси). Натижада, фольклор ва ёзма адабиёт муносабатлари, Сайёдий, Сайқалий, Нишотий каби шоирларнинг ўзбек адабиёти тарихида тутган ўрни муаммоларини ёритиб беришга эришилган;

XVII-XVIII асрлар ўзбек ёзма адабиёти намуналарида қўлланилган бадий тасвир воситалари ҳақидаги илмий хулоса ва тавсиялардан PZ-

20170926459 рақамли “Навоийшунослик тарихи (XX-XXI асрлар)” (2018-2020) мавзусидаги амалий лойиҳада фойдаланилган (Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг 2021 йил 15 сентябрдаги 04/1-1569-сон маълумотномаси). Натижада, Сайёдийнинг “Тоҳир ва Зухро”, Сайқалийнинг “Баҳром ва Гуландом” ҳамда Нишотийнинг “Ҳусн ва Дил” асарларида учрайдиган муболаға, ташбеҳ, ирсол ул-масал каби санъатларнинг дostonлардаги бадиий вазифаси билан боғлиқ янги талқин ва хулосалар Алишер Навоий асарларини қиёсий ўрганишда муҳим назарий манба вазифасини ўтаган;

ўзбек халқ оғзаки ижоди намуналари ва индивидуал ижоднинг маҳсули бўлган дostonларнинг ўзаро алоқаларини тадқиқ этиш натижасида чиқарилган илмий хулосалардан PZ-20170927147 рақамли “Қадимги даврлардан XIII асргача бўлган туркий ёзма манбалар тадқиқи” (2017-2020) мавзусидаги амалий лойиҳада фойдаланилган (Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг 2021 йил 20 сентябрдаги 01/4-1660-сон маълумотномаси). Натижада, Сайёдий, Сайқалий, Нишотий каби шоирларнинг оғзаки адабиёт ютуқларидан қай даражада фойдаланиш маҳорати ва бу борадаги уларнинг ўзига хос индивидуал услубини аниқлашга имкон берган;

Сайёдийнинг “Тоҳир ва Зухро” достони ва унинг ўзбек адабиёти тарихида тутган ўрни ҳақидаги материаллардан Сирдарё вилоят телерадиокомпанияси “Биз сув ичган дарёлар” кўрсатувиининг 2021 йил 20 декабрь сони сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Сирдарё вилоят телерадиокомпаниясининг 2021 йил 20 декабрдаги 326-сон маълумотномаси). Натижада “Тоҳир ва Зухро” достони таркибида қўлланилган ғазал, мухаммас каби кичик жанрларнинг вазифаси мазкур асар қаҳрамонлари таъриф-тавсифи, руҳий ҳолати ва ички кечинмалари ҳақидаги таҳлилий маълумотлар асосида ёритилганлиги телетомошабинларнинг Сайёдий ижоди ҳақидаги тушунчаларини янада бойитган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 6 та республика илмий-назарий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертациянинг асосий мазмуни юзасидан 1 та монография, 1 та рисола, 1 та дoston, 17 мақола, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, жумладан, 9 та республика ҳамда 3 та хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўрт боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 268 саҳифадан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги, зарурати, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети, фан ва технологиялар ривожининг устувор йўналишларига мослиги, хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий этилиши, апробацияси, эълон қилинган ишлар ва тадқиқот тузилиши кўрсатилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“XVII-XVIII асрлар ўзбек ёзма адабиёти ва фольклор асарлари орасидаги муштараклик ҳамда ўзига хосликлар”** деб номланган бўлиб, тўрт фаслни ўз ичига олади. Дастлабки фасл **“Тоҳир ва Зухро” халқ эртаги ҳамда Сайёдийнинг “Тоҳир ва Зухро” достони сюжети генезиси**” деб юритилади. “Тоҳир ва Зухро” муҳаббатига бағишланган сюжетни ўз ичига олувчи катта ва кичик ҳажмдаги бадиий ижод намуналари Шарқ адабиётида ўзига хос ўринга эга эканлиги билан ажралиб туради<sup>1</sup>. Бу мавзу ўзбек адабиёти учун ҳам бегона эмас. “Тоҳир ва Зухро” номли эртак ўзбекларнинг сеvimли асарларидан бирига айланган. “Тоҳир ва Зухро” достонининг фольклоршунос олимлар томонидан халқ бахшиларидан ёзиб олинган бир неча вариантлари ҳам бор<sup>2</sup>. Фольклоршунослар В.М.Жирмунский ва Ҳ.Зарифовлар ўзбек халқ оғзаки ижодида бир хил сюжетдаги катта ва кичик асарларнинг мавжуд эканлигини алоҳида хусусият сифатида баҳолайди ва “Тоҳир ва Зухро” ҳамда “Фарҳод ва Ширин” мавзусидаги эртак ва достонларни бунга мисол тариқасида келтиради<sup>3</sup>. Мазкур фаслда халқ эртаги ва Сайёдий достони қиёсий ўрганилади. Эртакда тасвирланишича, ўтган замонда бир подшоҳ яшаган бўлиб, унинг фарзанди йўқ экан. Бефарзандлик “... эртак сюжетининг эпик қисмини ташкил этади. У тугун вазифасини ўтаб, асар моҳиятини ёритади”<sup>4</sup>. Фарзандсизлик мотиви айнан Сайёдий достонида ҳам учрайди. Тотор шаҳрининг Бобоҳон исмли бир подшоҳи бор эди, етти иқлим унга бўйсунарди, бироқ унинг кўнгли ярим эди:

Вале камлиги фарзанди йўқ эрди,  
Кеча-кундуз ғаму ғусса ер эрди<sup>5</sup>.

Келажакда давлатимнинг эгаси ким бўлади, деган фикр ҳар иккала асардаги подшоҳни ҳам қийнади. Бундай ўй-хаёл уларни ғамгинлик сари етакларди, доимо хафагарчиликларининг асосий сабабчиси эди.

Эртак ва достонда кузатиладиган бу ҳодисани бир бутун метасистема сифатида қараш мумкин. Бунинг натижасида ўрганилаётган давр ёзма

<sup>1</sup>Абдуллаев В. Ўзбек адабиёти тарихи. –Тошкент: Ўқитувчи, 1980. –Б. 56.

<sup>2</sup>Жўраев М., Маматқулова Ф. Халқ калбидан жой олган достон // Тоҳир ва Зухро. –Тошкент: Муҳаррир, 2011. –Б. 7-11.

<sup>3</sup>Жирмунский В.М., Зарифов Х.Т. Узбекский народный героический эпос. –Москва: Художественной литературы, 1947. –С. 24.

<sup>4</sup>Имомов К. Ўзбек халқ насри поэтикаси. –Тошкент: Фан, 2008. –Б. 130.

<sup>5</sup>Sayyodiy. Tohir va Zuhro. –Toshkent: Mumtoz so‘z, 2019. –Б. 21-22.

адабиёти ва халқ оғзаки ижодига алоқадор миллий ўзига хосликни аниқлашга имкон пайдо бўлади<sup>1</sup>.

Фарзандсизлик мотиви нафақат ўзбек фольклорида, балки Шарқ ёзма манбаларида (масалан, Мусонинг Ибтидо китобида) кенг тарқгани боис қандайдир мўъжиза юз бериши билан воқеалар ривожига кескин бурилишлар юз беради.

Достон жанрининг имкониятларидан келиб чиққан ҳолда Сайёдий воқеаларни эртақка қараганда, кенгроқ баён этишга ҳаракат қилади. Масалан, достонда подшоҳ Бобоҳон Тоҳирни ўз ҳузурига чақиртиради ва у билан суҳбатлашади, шунингдек, Тоҳирнинг онаси шоҳи Хубон ҳам ҳукмдорга мурожаат қилади. Эртақда эса бу каби эпизодлар йўқ. Сандиқ детали ҳар икки асарда ҳам мавжуд. Сандиқ яшаш ва Тоҳирни сувга оқизиш қарори подшоҳ томонидан чиқарилади. Зухронинг сандиқни мустаҳкамлатиши ва халқнинг Тоҳирни дарёга оқизилишига қаршилик қилиши ҳодисаси эртақда ҳам, достонда ҳам берилади.

Воқеалар баёнида ҳар иккала метасистеманинг бир тизим ҳолига келтирилиши натижасида “Тоҳир ва Зухро” эртаги ҳамда достонидаги воқеаларнинг яхлитлашуви яққол кўзга ташланади. Зотан, Н.Д.Медриш “Фольклор адабиётнинг энг қадимий ҳолатини ўзида гавдалантиради”<sup>2</sup>, деб ёзганида тамомила ҳақ эди.

“Тоҳир ва Зухро” достонининг ғоявий мазмуни, унда тасвирланган образлар ва воқеалар “Тоҳир ва Зухро” номли ўзбек халқ эртагидаги воқеаларга ҳамоханглиги Сайёдийнинг халқ оғзаки ижоди намуналарини яхши билганлиги ҳамда ўз асарини яратишда фольклор ютуқларидан маҳорат билан фойдаланганлигидан далолат беради. Диссертацияда бу ҳақда батафсил сўз юритилади.

Иккинчи фасл **“Сайқалийнинг “Баҳром ва Гуландом” достони ва халқ эртақлари”** деб аталади. Сайқалийнинг “Баҳром ва Гуландом” достони фарзандсизлик мотиви билан бошланади. Подшоҳнинг фарзандсиз бўлиши кўпгина халқ эртақлари учун ҳам хос хусусиятлардан бири саналади. Хусусан, “Қорасоч пари” номли эртақ фикримизга далил бўла олади: “Қадим замонда, Шом мамлакатида бир подшоҳ бор экан. Хазинаси ҳаддан ташқари кўп бўлса ҳам фарзанди йўқлигидан давлати татимай, доим ғамгин бўлиб юрар экан”<sup>3</sup>. Кўринадики, подшоҳнинг фарзандсизлиги ва доимо ғамгин ҳолда юриши ҳамда беҳисоб бойлик эгаси эканлиги ҳар иккала асарни бири-бирига яқинлаштиради.

Подшоҳнинг фарзандсизлиги мотиви “Ялтиллама сопол товоқ”, “Сирли туш”, “Рустам”, “Шерзод ва Гулшод”, “Ҳасан ва Ҳусан”, “Моҳистара”, “Чўпон Али”, “Озодачехра” каби эртақларда ҳам учрайди. Бироқ улар ҳукмдорнинг фарзандли бўлиш учун қилган турли ҳаракатларига кўра бири-биридан фарқланади. Масалан, “Рустам”, “Сирли туш”, “Ялтиллама сопол

<sup>1</sup> Медриш Д.Н. Литература и фольклорная традиция. Вопросы поэтики. –Саратов, 1990. –С. 2.

<sup>2</sup>Медриш Н.Д. Ўша асар. –Б. 31.

<sup>3</sup>О‘zbek xalq ertaklari. III jildlik. I jild. –Toshkent: O‘qituvchi, 2014. –В. 232.

товоқ”, “Шерзод ва Гулшод” каби эртакларда подшоҳ фарзанд кўриш учун ўз хошишига кўра ёки бошқаларнинг тавсияси билан яна бир бор уйланишни ихтиёр қилса, “Ҳасан ва Ҳусан”, “Чўпон Али”, “Моҳистара”, “Озодачеҳра” каби эртакларда эса ҳукмдорнинг сабр-тоқат билан узоқ вақт кутиши натижасида фарзанд дунёга келади.

Сайқалий ҳам эртаклардаги каби подшоҳнинг фарзандли бўлишига алоҳида эътибор қаратади. Достонда тасвирланишича, подшоҳ кунига Тангридан фарзанд сўрарди, бечораларга эҳсон қиларди, мухтожларга ёрдам берарди. Шу ишлар билан қирқ ёшга етганда, Яратган раҳм қилди ва унга бир фарзанд ато қилиб, хурсандчилигига сабаб бўлди:

Агарчи дунёлиғдин эрди беғам,  
Тилоди Тангридин фарзанд дамо-дам.  
Фақирларга қилурди хайру эҳсон,  
Қилиб фарзанд учун жонини қурбон<sup>1</sup>.

Демак, узоқ вақт кутиш ва сабр-тоқат ҳукмдорни юқорида тилга олинган иккинчи гуруҳ халқ эртакларидаги подшоҳлар образига яқинлаштиради.

Фольклоршунос олим К.Имомов эртаклардаги ҳомиладорлик мотивини тугуннинг ечими, фарзанднинг дунёга келиши, унинг ғайритабиий ўсиши, жанговар от танлаш сингари мотивларни эса сюжет экспозицияси, дев, аждар кабилар билан жанг мотиви эса эпик қисмни ташкил этади, деб атайди<sup>2</sup>. Бундай хусусиятни Сайқалийнинг “Баҳром ва Гуландом” асарида ҳам кузатиш мумкин. Сайқалий воқеалар баёни давомида оғзаки адабиёт намуналари, хусусан, эртакларда кўп кузатиладиган бош қаҳрамоннинг овга чиқиши ва ов жараёнида учрайдиган қизиқарли ходисалар тасвирига ўтади. Ов халқ оғзаки ижодида ўзига хос бир восита ҳисобланади. Бош қаҳрамоннинг ҳаётида рўй берадиган кейинги ўзгаришлар ҳам айнан ов орқали амалга оширилади. Буни бир қатор эртакларда, жумладан, “Шерзод ва Гулшод” эртагида ҳам учратамиз. Шаҳзода Баҳром ҳам навкарлари билан ов қилиб юрганда, уларга баҳайбат бир шер йўлиқади. Шунда Баҳром паҳлавонларига шерни яккама-якка жангда енгишни буюради. Бироқ бунга ҳеч ким ботина олмайди. Шундан сўнг шаҳзоданинг ўзи шер билан олишади ва уни енгади.

Кўринадикки, шер ови тасвири “Шерзод ва Гулшод” эртаги ҳамда “Баҳром ва Гуландом” достонини бир-бирига яқинлаштиради. Эртак нисбатан кичикроқ ва ихчамроқ жанр бўлганлиги сабабли кўпинча ундаги ов жараёни тасвирида битта ҳайвонни тутиш эпизоди билан чегараланилади. Достонда эса ов жараёни кенгроқ берилади. Масалан, шер овидан сўнг кийик овига ўтилади. Бу ҳам достонда ўзига хос бир вазифа бажаради. Шерни овлаш жараёнида Баҳромнинг қандай куч-қудратга эга эканлиги тарғиб этилса, кийик ови янги саргузаштларнинг бошланиши учун туртки бўлади.

Сурат орқали ғойибона ошиқ бўлиш мотиви оғзаки адабиётда кўп учрайди. Сайқалий достонда сурат деталдан унумли фойдаланиб, бош

<sup>1</sup>Сайқалий. Баҳром ва Гуландом. –Тошкент: Фан, 1960. –Б. 21.

<sup>2</sup>Имомов К. Ўзбек халқ насри поэтикаси. –Тошкент: Фан, 2008. –Б. 131-132.



қахрамонни янги саргузаштлар сари бошлашда давом этади. Бунда унга яна оғзаки ижод анъаналари ёрдам беради. Хусусан, “Моҳистара” эртагидаги сурат детали ҳам худди шундай вазифа бажаради. Эртақ қахрамони шаҳзода Шавкат сурат орқали Моҳистарага ошиқ бўлиб қолади ва уни излаб, узоқ ҳамда машаққатли йўлга отланади. “Камбағал қиз” эртагида эса подшоҳзоданинг хотини эрига бир қутидан қоғоздаги қизнинг суратини олиб кўрсатади. Суратдаги соҳибжамол қизни кўрган подшоҳзода унга ошиқу беқарор бўлиб қолади.

Мўй – ўзбек халқ эртақларида алоҳида бир вазифа бажара олиши билан ажралиб туради. Айрим эртақларда тасвирланишича, турли ҳайвон ёки жониворлар ўзларининг мўйларини эртақ қахрамонларига берадилар ва бошларига мушкул иш тушган пайтда ундан фойдаланиш йўлини ўргатадилар. Агар ўша мўй тутатиладиган бўлса, шу заҳоти, улар ёрдамга етиб келдилар. Масалан, “Эркажон”, “Ота васияти” каби эртақлар фикримизга далил бўла олади.

Мўй тутатилган заҳоти ёрдамга етиб келиш ҳодисаси “Баҳром ва Гуландом” достонида ҳам бор. Чин юртига етиб келган Баҳром у ерга бостириб кирган Бехзод қўшини билан жанг қилишга қарор қилади ва Сайфур билан унинг лашкарини чақириш лозим, деб ҳисоблайди. Сайфурнинг укаси Шаммос Баҳром билан хайрлашар чоғида унга сочидан бир неча тола бериб, агар биз сизга керак бўлиб қолсак, шуни ўтга ташласангиз, дарҳол ҳузурингизга етиб келамиз, деган эди. Шундан сўнг Баҳром чакмоқ тошни чақиб, олов ёқади ва Шаммос берган мўйни ўтга ташлайди. Шу заҳоти, аҳдига вафо қилиб, Шаммос етиб келади.

Кўринадики, халқ оғзаки ижоди анъаналари ва унинг тимсоллари “Баҳром ва Гуландом” достони яратилишида муҳим рол ўйнаган<sup>1</sup>.

Учинчи фасл **“Нишотийнинг “Хусн ва Дил” достони ҳамда халқ оғзаки ижоди образларининг алоқалари”** деб аталади. Достон Шарқ адабиётида кенг тарқалган сюжет асосида юзага келган<sup>2</sup>. Юнонда бир подшоҳ бор эди, унга кўп эллар бўйсунарди. У илму ҳикмат, фаҳму фаросат бобида етук бўлса-да, лекин ороми йўқ эди:

Турфа заминларга бўлуб ҳорис ул,  
Истади топмоқ ўзига ворис ул<sup>3</sup>.

Ақлшоҳнинг дуолари қабул бўлиб, вақти-соати етиб, Яратган унга ўғил ато қилибди. Шаҳзоданинг тарбияси билан бир неча одамлар шуғуллана бошлабди, у барча илмларни мукамал ўрганибди, етти ёшида қироатни эгаллабди. Қайд этилишича, ҳар қандай сир-синоат, мажҳуллик ва мавҳумлик унинг учун маълум ва зоҳир эди.

Кўринадики, шаҳзода Фуоднинг барча билимларни эгаллаши, ажойиб хулқ-атвори ва ғайритабиий қобилиятга эгалиги “Моҳистара” эртагидаги шаҳзода Шавкатнинг ёшлигини ёдга солади. Эртақ қахрамони Шавкат ҳам

<sup>1</sup>Қаранг: Раҳмонов Н. Ўзбек адабиётини даврлаштириш масалалари. –Тошкент: Мумтоз сўз, 2016. –Б. 99.

<sup>2</sup>Қосимова М. Муҳаммадниёз Нишотий. –Тошкент: Фан, 1987. –Б.18.

<sup>3</sup>Нишотий. Хусн ва Дил. Лирика. –Тошкент: Бадиий адабиёт, 1967. –Б. 47.

худди Фуод каби ўн етти-ўн саккиз ёшга етганда, ҳаттоки, ҳарб илмидан ҳам яхшигина хабардор эди. “Ҳасан ва Ҳусан” номли эртақнинг бош қаҳрамонлари бўлган подшоҳ ўғли Ҳасан ва вазирнинг ўғли Ҳусанлар тарбиясида ҳам ҳукмдор худди шундай ибратли йўлни тутати.

Сафар мотиви “Ҳусн ва Дил” достонида Ҳусн исмли қизни шаҳзода излаб йўлга чиқиш жараёнида кўринади. Бироқ ота-онаси унга қаттиқ қаршилик қилади. Шундан сўнг Фуоднинг энг яқин дўсти Назар йўлга отланади ва у сафар давомида кўп қийинчиликларни бошидан ўтказди.

Қаҳрамонларнинг бирон бир нарса воситасида кўзга кўринмайдиган бўлиб қолиши ва бу орқали душманлардан қутулиши ёки бирор воқеанинг сирини пинҳона аниқлаши кабилар халқ эртақларида кўп учрайди. “Моҳистара” эртагида айтилишича, шаҳзода тўртта ака-ука девлардан олган хосиятли нарсалардан бири телпак эди. Кимдир бу телпакни кийиб олса, у одамларнинг кўзига кўринмайдиган бўлиб қолади. Шаҳзода ана шу телпак ёрдамида ўзи учун мавҳум бўлган барча сирлардан хабардор бўлади ва маликанинг шартини бажариб, унга уйланади. Телпак эртақда шаҳзоданинг мақсадини рўёбга чиқариш учун асосий воситалардан бири сифатида муҳим вазифа бажаради.

Бунга ўхшаш ҳодисани “Ҳусн ва Дил” достонида ҳам кузатиш мумкин. Назар “Шаҳри Ҳидоят”нинг ҳукмдори Ҳимматшоҳнинг маслаҳати билан “оби ҳаёт”ни топиш учун “Шаҳри Ҳабиб”нинг шоҳи Қомати пуршавкат ҳузурига йўл олади. Йўл давомида “Диёри саксор” деган жойда катта қийинчиликларга дуч келади. Унга маймунсимон махлуклар ва тўрт кўзли девлар ҳужум қилади. Хосиятли гавҳар Назарнинг жонига оро киради. У гавҳарни оғзига солиши биланоқ кўринмас ҳолатга келиб қолади. Натижада хавфу хатар ортда қолиб, йўлида давом этади.

Дарҳақиқат, Нишотийнинг “Ҳусн ва Дил” достонида халқ оғзаки ижодининг кучли таъсири сезилади. Мўй, “ақиқ муҳра” каби қатор деталлар, ажойиб воқеалар талқини, ғайритабиий ҳолатга эга бўлган эпизодлар, сеҳрли хусусиятлари билан ажралиб турадиган ҳодисалар шундан дарак беради. Айниқса, Назар образи ва унинг сафар давомидаги бошидан кечирган саргузаштлари фольклор ва ёзма адабиёт алоқаларининг мазкур дoston сюжетида муҳим роль ўйнаганини кўрсатади.

Бобнинг сўнгги фасли **“Тасвир жараёни ва шаклий хилма-хиллик”** деб номланади. Унда оғзаки ва ёзма адабиётга мансуб дostonлардаги тасвир жараёни ўрганилади. Халқ оғзаки ижодидаги дostonлар тасвирида наср билан назмнинг уйғун ҳолдаги кўриниши кузатилади<sup>1</sup>. Наср асосан воқеалар тасвирида ўз вазифасини бажарса, назм кўпроқ қаҳрамоннинг ички руҳий ҳолати билан боғлиқ жараёнларни ҳам юзага чиқаради.

Маснавий Сайёдийнинг “Тоҳир ва Зухро” дostonининг асосий шакли бўлса-да, шоир асар таркибида ғазаллардан ҳам кенг фойдаланган.

<sup>1</sup>Жирмунский В.М., Зарифов Х.Т. Узбекский народный героический эпос. –Москва: Художественной литературы, 1947. –С. 23-24. Саримсоқов Б. Дoston, унинг турлари ва тарихий тараққиёти // Ўзбек фольклорининг эпик жанрлари. –Тошкент: Фан, 1981. –Б. 11. Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. –Тошкент: Ўқитувчи, 1983. –Б. 94.

Маснавийда асосан воқеалар баёни тасвирланишини эътиборга олсак, ижодкорда образларнинг ички руҳий ҳолати ва ҳис-туйғуларини акс эттириш эҳтиёжи ҳам пайдо бўлади. Шу сабабли катта ҳажмдаги бадиий ижод намуналарида кичик ҳажмли шеърӣ жанрдаги асарлардан фойдаланиш имконияти юзага келади.

Сайёдийнинг “Тоҳир ва Зухро” достонида “Ҳикояти Зухроҳоним”, “Ғазали Мирзо Тоҳирбек”, “Ғазали Зухроҳоним”, “Қосиднинг ўқуғон ғазали”, “Насиҳати шоҳи Хубон” каби сарлавҳалар берилиши билан маснавийдан сўнг бошқа жанрлар, хусусан, ғазал бошланади. Бу бирикмалар дoston композициясида ўзига хос изоҳ бериш вазифасини ҳам бажаради. Шунингдек, дostonда насрнинг белгиси бўлган “Қул Сайёдийнинг Тоҳир билан Зухрони тушида кўрганини айтурлар”, “Бобоҳоннинг вазири Худодин фарзанд тилаганининг баёни бу турур”, “Зухроҳоним Мирзо Тоҳир билан Боғи Майдонда сўзлашганининг баёни”, “Ясовуллар Мирзо Тоҳирни тутуб сандуққа солғони”, “Зухроҳоним Тоҳирнинг келганини энагасига хабар берганининг воқеаси” каби сарлавҳалар ҳам учрайдики, улар ўзидан кейин назмда бериладиган воқеалар баёнининг қисқача насрий изоҳи ёки хабари вазифасини бажаради.

“Баҳром ва Гуландом” достони тасвир жараёнида назм ва насрнинг аралаш ҳолда қўлланилиши фольклорга хос анъананинг Сайқалий ижодида ҳам муваффақиятли давом этганлигини кўрсатади. “Баҳром ва Гуландом” достонида наср етакчи хусусиятга эга эмас. Ҳаттоки, кўп ўринларда ҳам қўлланилмайди. Дostonдаги наср намуналари халқ дostonлари билан солиштирилладиган бўлса, улар ўртасида анчагина фарқли хусусиятлар ҳам кўзга ташланади. Наср оғзаки адабиётда асосан воқеалар тасвири жараёнида иштирок этади. Ҳажм жиҳатидан эса чегараланган эмас. Катта ҳажмдаги насрий қисмлар ҳам, кичик ҳажмдаги наср намуналари ҳам учрайди. Насрий қисм тасвир жараёнида бахшининг мақсадидан келиб чиққан ҳолда сюжетнинг навбатдаги ифодалаш лозим деб ҳисобланган воқеаларини тўлиқ камраб олади.

“Баҳром ва Гуландом” достонида ҳам маснавий таркибида бошқа жанрлардан фойдаланиш анъанаси мавжуд. Бу, биринчидан, асар яратилган давр ёзма адабиёт анъанасининг Сайқалий ижодида ҳам давом этганлигидан далолат берса, иккинчидан, асли генезиси фольклорда бўлган бу адабий ҳодисанинг ёзма адабиётга хос бўлган дostonчиликда ҳам ўзига хос ўринга эга эканлигини кўрсатади. Наср ва назмнинг аралаш ҳолда қўлланилиши Нишотий ижодида ҳам кузатиладиган ҳодисалардан бири ҳисобланади. Шоир дostonда наср ёки назмдан бирини устун қўймайди, балки ҳар иккаласининг ҳам имкониятларидан самарали фойдаланишни мақсад қилиб олади ва бу йўлда бор иқтидори ҳамда маҳорати даражасида ижод қилади.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Дostonлар ва айрим жанрлар таракқиёти”** деб номланади. Унинг дастлабки фасли **“Маснавий”**да

достонлардаги маснавий<sup>1</sup> шакли тадқиқ этилади. “Тоҳир ва Зухро”, “Баҳром ва Гуландом” ҳамда “Ҳусн ва Дил” асарлари анъанавий муқаддима билан бошланади. Ҳар учала достоннинг воқеалар тасвирида маснавийнинг байт тузилиши ҳам муҳим рол ўйнайди. Маснавийдаги байт мисралари қандай қурилишга эга бўлмасин, умумий бир мазмун ифодаси учун хизмат қилади. Нисбий тугалланганлик уларнинг асосий хусусияти ҳисобланади. Бироқ айрим ҳолларда мазмуннинг кейинги байтларда давом этган ҳоллари ҳам учраб туради. Бу эса маснавийнинг катта ҳажмли асарларда учрайдиган кўринишларидан бири сифатида қаралади.

Сайёдий “Тоҳир ва Зухро” орқали маснавий таркибида ғазал ва мухаммасдан фойдаланишни йўлга қўйган бўлса, Сайқалий “Баҳром ва Гуландом”да бу анъанани янада кенгайтириб, ғазал, мухаммас, мусаддас, мустазад ва тўртликларнинг имкониятларини ҳам синовдан ўтказди. Нишотийнинг “Ҳусн ва Дил” достонида эса кичик жанрлар учрамайди. Бироқ маснавий таркибида кичик ҳикоятлардан фойдаланиш достонга ўзига хослик бағишлайди. Улар достон сюжети билан мустаҳкам боғланган бўлиб, композицион яхлитни ташкил этади.

Бобнинг иккинчи ғазали “Ғазал” деб аталади ва унда достонлардаги ғазалларнинг вазифаси таҳлил этилади. Шу пайтга қадар ўзбек адабиётшунослигида ғазал жанри алоҳида ижод тури сифатида махсус ўрганилди, холос<sup>2</sup>. Бунда асосан шоирларнинг девонлари объект бўлиб хизмат қилди. Бироқ бошқа асарлар, хусусан, достонлар таркибидаги қўлланилган ғазаллар эътибордан четда қолиб келди. Бундай асарлар қаторига Сайёдийнинг “Тоҳир ва Зухро” ҳамда Сайқалийнинг “Баҳром ва Гуландом” достонларини ҳам киритиш мумкин.

Сайёдийнинг “Тоҳир ва Зухро” достонида 50 дан ортиқ ғазал мавжуд. Достондаги дастлабки ғазал подшоҳ Бобоҳон номидан айтилган. У фарзандсизлик ҳақида. Кейинги ғазал ҳам шу мавзуда ёзилган бўлиб, Бобоҳоннинг вазири Боҳирга тегишли. Айнан достоннинг бошланишидаёқ бу мавзудаги ғазалларнинг келтирилиши асар сюжети билан боғлиқ ҳодиса саналади. Чунки достон подшоҳ ва вазирнинг бефарзандлиги ҳақидаги воқеалар билан бошланади. Сайёдий подшоҳ ҳамда вазирининг фарзанд қайғусидаги изтироб ва армонларини беришда шу мавзудаги ғазаллардан фойдаланади:

Одамнинг меваси фарзанд эмиш дерлар бу дунёда,  
(Нетай) йўқ манда бир фарзанд, қуруқ танманки, жоним йўқ<sup>3</sup>.

<sup>1</sup>Қаранг: Носиров О. ва бошқ. Ўзбек классик шеърини жанрлари. –Тошкент: Ўқитувчи, 1979. –Б. 125-127; Адабий турлар ва жанрлар. Уч жилдлик, 2-жилд. –Тошкент: Фан, 1992. –Б. 199-200; Ҳомидий Ҳ. ва бошқ. Адабиётшунослик терминлари луғати. –Тошкент: Ўқитувчи, 1970. –Б. 104-105; Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. –Тошкент: Ўқитувчи, 1983. –Б. 191; Ҳожиаҳмедов А. Мумтоз бадиият луғати. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2008. –Б. 35-36.

<sup>2</sup>Қаранг: Носиров О. Ўзбек адабиётида ғазал. –Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1972; Орзибеков Р. Ўзбек лирик поэзиясида ғазал ва мусаммат. –Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1976; Маллаев Н. Ўзбек адабиётида ғазал ва унинг ривожига Навоийнинг роли // Ўзбек тили ва адабиёти масалалари. 1961, № 3; Шайхзода М. Ғазал мулкининг султони. Асарлар. 6 томлик, 4-том. –Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1972; Пирназаров М. Поэтик жанрлар типологияси. –Тошкент: Фан, 1989.

<sup>3</sup>Sayyodiy. Tohir va Zuhro. –Toshkent: Mumtoz soʻz, 2019. –B. 22.

Достонда воқеалар ривожидан келиб чиққан ҳолда образларнинг ҳолатига мос ғазаллар берилади. Бу эса асар қаҳрамонларининг рухий кечинмаларини очишда муҳим рол ўйнайди. Асарда келтирилган ғазаллар мавзу жиҳатдан ранг-баранг. Улар орасида энг кўп учрайдигани муҳаббат мавзусидаги ғазаллар ҳисобланади. Ишқий ғазалларда ошиқ кўнгилнинг дарду изтироблари талқини етакчилик қилади. Ошиқликнинг ўзига хос бир синов эканлиги, ҳижрон азобларига бардош бера олишнинг осон эмаслиги кабилар доимо ижодкорнинг диққат марказида туради.

“Тоҳир ва Зухро” достонида панднома ғазаллар ҳам учрайди. Изтироб ва насиҳат руҳи Тоҳирнинг онаси шоҳи Хубонга мансуб ғазалларда ҳам етакчилик қилади. Шунингдек, достонда муножот ғазаллар ҳам алоҳида ўрин тутаяди. Бундай ғазаллар асосан Тоҳир образи билан боғлиқ жараёнлар орқали юзага чиқади.

“Баҳром ва Гуландом” достонидаги ғазалларнинг асосий қисми Баҳромга тегишли. Чунки Баҳром асарнинг бош образларидан бири бўлиши билан биргаликда воқеаларнинг асосий қисмида ҳам иштирок этади. Асардаги ҳар бир воқеа Баҳром билан боғлиқ тарзда юзага келади ва қаҳрамоннинг қайсидир жиҳатларини очиш учун хизмат қилади. Достонларда воқеалар ривожидан келиб чиққан ҳолда ғазаллардаги мавзу ва тасвир руҳи ҳам ўзгара боради. Ҳар бир воқеа образларга қандай таъсир кўрсатса, ғазаллар ҳам қаҳрамонларнинг руҳиятига мослаша боради. Руҳий ҳолат тасвирини тўлақонли равишда рўёбга чиқариш ғазалларнинг достонлардаги асосий вазифаси ҳисобланади.

Учинчи фасл **“Мухаммас”** деб номланади. Мухаммас<sup>1</sup> катта ҳажмли асарлар таркибида ҳам учрайди. “Тоҳир ва Зухро” ҳамда “Баҳром ва Гуландом” достонлари таркибида қўлланилган мухаммасларнинг ҳам бадиий ижодда ўзига хос ўрни бор. Улар кўпроқ бош қаҳрамонларнинг руҳий ҳолати билан боғлиқ жараёнлар тасвирида муҳим рол ўйнайди. Қаҳрамонларнинг ички дунёси, улар билан боғлиқ кечинмаларни чуқурроқ ифодалашда ҳам мухаммасларнинг вазифаси катта. “Тоҳир ва Зухро” ҳамда “Баҳром ва Гуландом” достонларидаги мухаммасларнинг барчасида таҳаллуслар қўлланилган. Шунингдек, мухаммаслардаги айрим бандларда воқеабандлик хусусияти ҳам кузатилса, баъзи мисраларни тушуниш достонлардаги бирор воқеа ёки саргузашт ёки қаҳрамонлар тақдиридан тўлиқ хабардор бўлиш лозимлигини кўрсатади. Агар китобхонга асар сюжети нотаниш бўлса, мисралар моҳиятини бориचा англаш қийин бўлади. Шу сабабли ҳам бу мухаммаслар асар воқеаларига чамбарчас боғланган бўлиб, улар билан бир бутунликни ташкил этади.

Бобнинг тўртинчи фасли **“Мусаддас, мустазод ва тўртлик”** деб номланган. “Баҳром ва Гуландом” достонида ёлғиз мусаддаснинг учраши унинг катта ҳажмли асарлар таркибида ҳам ўзига хос вазифаси бор

<sup>1</sup>Қаранг: Адабий турлар ва жанрлар. Уч жилдлик, 2-жилд. –Тошкент: Фан, 1992. –Б. 220-222; Ҳомидий Ҳ. ва бошқ. Адабиётшунослик терминлари луғати. –Тошкент: Ўқитувчи, 1970 –Б. 125-126; Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. –Тошкент: Ўқитувчи, 1983. –Б. 207; Ҳожааҳмедов А. Мумтоз бадиият луғати. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2008. –Б. 74-76.

эканлигидан далолат беради. Мазкур мусаддас Рум юрти ҳукмдорининг доно вазири Дастур томонидан айтилган. Шаҳзода Баҳромнинг Чинда эканлиги хабари маълум бўлганидан сўнг ҳукмдор вазири Дастурни лашкарга бош қилиб, ўғлининг ортидан жўнатади. Улар манзилга етиб боргач, анча вақтгача шаҳзодани топиша олмайди. Шундан кейин Шабранг айёр уни излашга тушади ва шаҳарни айланиб, Гуландомнинг қасри ёнида афтодаҳол Баҳромга кўзи тушади. Шаҳзодани кўрган Дастур ҳайрону лол қолади:

Бу на ҳолу бу на савдо санга, эй маҳи ақолим,  
Бу на шўру бу на ғавфо, тўлон ойдек ҳилолим,  
На жафо эдики, солди бошинго сипеҳри золим,  
Юзи шамси анвар ўхшар, кўзи қотил ғазолим,  
Эй бегим, жоним, азизим, эй амирим, эйтиборим,  
Эй кўрар кўзим, афандим, ўз элимда шаҳсуворим<sup>1</sup>.

Диссертацияда мазкур достондаги биргина мусаддаснинг қаҳрамон рухий ҳолатига монанд мазмунда эканлиги таҳлил этилади.

“Баҳром ва Гуландом” достонида битта мустазод ҳам мавжуд. Унинг ёзилишининг ўзига хос сабаби бор. Вазир Дастур Чин ҳукмдоридан малика Гуландомни шаҳзода Баҳром учун сўрайди. Ҳукмдор розилик билдирган ҳолда қизининг феъли ёмонлигидан нолийди. Агар уни шаҳзодага берадиган бўлсам, ўзини ўзи ўлдиради, деган гапни айтади. Шунда Дастур агар ижозат берсангиз, маликанинг ёнига Сарвосони юбораман, дейди. Ҳукмдордан руҳсат олингандан сўнг Сарвосо ва Руҳафзо Чин шаҳрига олиб келинади. Сўнг икки моҳ пайкар катта тайёргарликлар билан совчиликка Гуландом ҳузурига боришади. Буларнинг гўзаллигидан, ҳаттоки, маликанинг ҳам рашики келади. Уларга ҳурмат кўрсатиб, меҳмон ҳам қилади. Меҳмондорчилик ажойиб суҳбат ва базмга айланади, дарду ғамлар унутилади. Учаласи ҳам бир-биридан шўх, шодон ва жаннатдаги ҳурлардай гўзал. Бу воқеалар шоирга ҳам алоҳида завқ бағишлайди. Натижада достондаги ягона мустазод дунёга келади:

Ул уч гули навраستا гулзори таманно,  
уч кутби музоҳиб,  
Бир-бирларини ҳуснини айларди тамошо,  
завқ ила қувониб<sup>2</sup>.

Сайқалийнинг мазкур мустазоди жанр талаблари даражасида яратилгани, гўзалларга хос бўлган алоҳида сифат ва фазилятлар шеърга ўзгача завқ ва жозоба бағишлагани диссертацияда алоҳида ёритилади.

Тўртликларнинг катта асарлар таркибида қўлланилиши кейинги даврларда яратилган бадий ижод намуналари учун хос хусусият саналмайди. Бироқ бу ҳодиса Сайқалий ижодигагина тааллуқли эмас. Чунки шоир “Баҳром ва Гуландом” достонида тўртликларнинг имкониятидан ҳам самарали фойдаланади ҳамда Юсуф Хос Ҳожиб, Адиб Аҳмад Югнакий каби

<sup>1</sup>Сайқалий. Баҳром ва Гуландом. –Тошкент: Фан, 1960. –Б. 154.

<sup>2</sup>Сайқалий. Ўша китоб. –Б.189.

ижодкорлар анъанасининг давомчисига айланади<sup>1</sup>. Достондаги тўртликлар шахзода Баҳром ва малика Гуландомнинг дастлабки учрашувидаги суҳбат жараёнида қўлланилади. Диссертация давомида тўртликларнинг асар матни тузилишидаги роли изчил таҳлил қилинади.

Диссертациянинг учинчи боби **“XVII-XVIII асрларда яратилган достонлар ва халқ оғзаки ижодида мифологик образлар уйғунлиги”** деб номланади. Бобнинг дастлабки фасли **“Исломгача бўлган туркий мифологик образлар тизимининг достонларга кириб келиши”**да бир неча мифологик образлар таҳлил қилинади. Қадимги ота-боболаримиз тасавурида шаклланган мифологик образлардан бири паридир. Гўзаллик – пари образининг етакчи белгиларидан бири ҳисобланади<sup>2</sup>. “Тоҳир ва Зухро” ишқий достон бўлганлиги учун ҳам Сайёдий бу мифологик образнинг гўзаллик билан боғлиқ жиҳатларига кўпроқ аҳамият қаратади. Сайқалий достонида эса пари деганда кўпроқ Гуландом тушунилиши бежиз эмас. Чунки у ҳақиқатан ҳам паридан қолишмайдиган даражадаги гўзаллик соҳибаси. Бироқ достонда ҳақиқий париларнинг ҳам тасвирланиши шоирнинг бу мифологик образ имкониятларидан тўлақонли фойдаланишга ҳаракат қилганлигини кўрсатади. Нишотий ҳам пари образи билан боғлиқ ўринларда мавжуд адабий анъаналарга амал қилган ҳолда фикр юритади. Образлилик ҳосил қилишдаги ифодалар билан бир қаторда париларнинг турли хатти-ҳаракатлари билан алоқадор тасвирлар достонга ўзгача завқ бағишлайди. Мазкур асарлардаги гўзаллик билан боғлиқ тасвирларда Зухро, Гуландом ва Хусн образлари етакчилик қилади.

Дев – Шарқ халқлари оғзаки ижодида кенг тарқалган мифологик образлардан бири саналади<sup>3</sup>. Сайқалий “Баҳром ва Гуландом” достонида дев образи билан боғлиқ тасаввурлардан ижодий фойдаланишнинг уддасидан чиқади. Айниқса, девнинг одамларга зиён етказиши мумкинлиги ҳақидаги турли қарашларнинг Афруъ дев мисолида берилиши ўзини оқлаган. Дев мифологик образининг “Хусн ва Дил”да ҳам учраши унинг достон композициясида ўзига хос ўринга эга эканлигини кўрсатади. Нишотий девга хос бўлган айрим хусусиятлардан фойдаланган ҳолда у билан боғлиқ образли ифодалар ҳам ярата олганлиги шоирнинг ўзига хос маҳоратидан дарак беради. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, достонни ўқиган китобхон кўз олдида дев асосан салбий жиҳатлари билангина намоён бўлади. Бу хусусиятни шоирнинг мақсадидан келиб чиққан ҳолда баҳолаш мақсадга мувофиқдир.

Аждар ҳақиқий маъносидан ташқари бадий ижодда сифатлаш ёки ўхшатиш учун объект каби вазифаларни ҳам бажаради. Сайқалийнинг

<sup>1</sup>Қаранг: Тўхлиев Б. “Қутадғу билиг”нинг поэтикаси масалалари // Ўлмас обидалар. –Тошкент: Фан, 1989. – Б. 331-348; Mamatqulov M. Qadimgi turkiy adabiyotda to‘rtlik va marsiya. –Toshkent: Yangi asr avlodi, 2006. –B. 23-35.

<sup>2</sup>Қаюмов О. Ўзбек фольклорида пари образи (генезиси ва поэтикаси). Фил. фан. ном. дис-я автореферати. – Тошкент, 1999. –Б. 10.

<sup>3</sup>Қаранг: Эшонқулов Ж. Мифологик образлар генезиси ва бадий талқини // Туркий ёзма ёдгорликлар ва фольклор. –Тошкент: Тафаккур авлоди, 2020. –Б. 239-287.

“Баҳром ва Гуландом” достонидаги жанг лавҳалари билан боғлиқ тасвирларда бу ҳолат яққол кўзга ташланади. Чунки қиёслаш орқали қаҳрамонларнинг жанг пайтидаги айрим ҳолатларининг бўрттирилишида аждар асосий восита сифатида рол ўйнайди. Нишотийнинг “Ҳусн ва Дил” достонида эса аждар образи орқали кўпроқ образли ифодалар ҳосил қилиш етакчилиги қилади. Бунда шоирга бу мифологик образга хос бўлган айрим хусусиятлар жуда қўл келади. Бирон нарсага таъриф ёки тавсиф беришда аждарнинг тилга олиниши эса қиёсланаётган ҳодисалар ўртасидаги қандайдир бир ўхшашлик натижасида юзага чиқади. Бу эса ифоданинг жонли, таъсирчан, энг асосийси, образли чиқишини таъминлайди.

Бобнинг иккинчи фасли **“Исломиё тасаввур ва тушунчаларга таянган мифологик образлар талқини”** деб аталади. “Тоҳир ва Зухро” достонида Хизрнинг раҳбарлиги деганда кўпинча унинг қийналган муҳтож одамларга ҳомийлик қилиши ёки уларга ёрдам бериши назарда тутилади қўлланилади<sup>1</sup>:

Бўлубон Тоҳирға анда Хизр раҳбар,  
Мадад қилди ўшал йўлда паямбар<sup>2</sup>.

Хизр мифологик образига алоқадор тасвирлар Сайқалийнинг “Баҳром ва Гуландом” достонида ҳам мавжуд анъана даражасида давом эттирилган. Шоир ғазалларидан бирида Хизрнинг номини тилга олиб, лирик қаҳрамоннинг унинг ёрдамидан умидворлигини акс эттиради:

Чунки бу майдона кирдинг, эй шаҳо, мардона бўл!  
Шояд ул Хизри Худо эткай санинг тарбиятинг<sup>3</sup>.

Хизр билан боғлиқ тушунчалар Нишотийнинг “Ҳусн ва Дил” достонида ҳам келтирилган. Шоир асосан бу мифологик образнинг одамларга тўғри йўл кўрсатувчилик, йўл бошловчилик қилиш хусусиятига ҳам аҳамият беришни лозим топади.

Қақнус – хаёлий-мифологик образлар турига мансуб афсонавий куш ҳисобланади<sup>4</sup>. Бадиий ижод оламида қақнуснинг куюб кулга айланиш ҳодисаси ўзига хос образлилик яратишда анъана даражасига кўтарилган. Айниқса, ошиқларнинг руҳий дунёси билан боғлиқ жараёнларни чуқурроқ беришда шоирлар шу ҳодисага алоҳида мурожаат этишади. Сайёдий қақнусга алоқадор бўлган бундай хусусиятни Тоҳир образига кўчириш орқали ундаги руҳий ҳолат тасвирида таъсирчанликка эришади:

Санинг ишқинг била қақнус қушдек,  
Куюбон, кул бўлуб, ўчтум, Худоё<sup>5</sup>.

Қақнуснинг ўхшатиш объекти сифатида ҳам хизмат қила олиши мумкинлигини Нишотий ижоди яна бир бор тасдиқлайди. Шоир “Ҳусн ва

<sup>1</sup>Хизр ҳақида қаранг: Маллаев Н. Алишер Навоий ва халқ ижодиёти. –Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1974. –Б. 110; Ҳаққулов И. Занжирбанд шер қошида. –Тошкент: Юлдузча, 1989. –Б. 178; Нурматов Ф.И. Хизр образининг генезиси ва унинг ўзбек фольклоридаги талқини. Фил. фан. ном. дис-я автор-ти. –Тошкент, 2007.

<sup>2</sup>Sayyodiy. Ўша китоб. –Б. 137.

<sup>3</sup>Сайқалий. Ўша китоб. –Б. 37.

<sup>4</sup>Жўраев М., Нарзикулова М. Миф, фольклор ва адабиёт. –Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2006. –Б. 139.

<sup>5</sup>Sayyodiy. Ўша китоб. –Б. 68.



Дил” достонида қакнус билан боғлиқ тасаввурларга таянган ҳолда фикр юритар экан, унинг имкониятларидан ҳам ижодий фойдаланишга ҳаракат қилади:

Дейки, қуёш ўт аро қакнус эди,  
Куймокидин эл аро афсус эди<sup>1</sup>.

Бир жиҳатдан қараганда, қуёш ва қакнус орасида ҳеч қандай ўхшашлик йўқдек туюлади. Бири доимий ҳаракатда бўлган самовий жисм бўлса, иккинчиси эса тирик жонзот деб тасаввур қилинадиган афсонавий қуш. Қуёш доимий иссиқ бўлгани учун ҳам унда ёниш ва ёндириш хусусияти жуда кучли. Қакнус эса жонли мавжудот. Унда бир марта бўлса ҳам ёниш ва ёндириш имконияти бор. Шоир фикрича, умрининг сўнгги пайти қакнусда бўладиган жараён қуёш иссиқлигидан ҳам юқоридир.

Анқо ёзма адабиёт намуналарида ҳам ўзига хос поэтик вазифалар бажаради. Сайқалий достондаги маснавийлар таркибида ҳам анқо билан алоқадор тушунчаларни мисралар мазмунига сингдиришга ҳаракат қилади:

Ётибман ҳамчу анқо бепару бол,  
Киши билмас ўтар мандин на аҳвол<sup>2</sup>.

Байтда шаҳзода Баҳромнинг кечинмалари ҳақида гап бормоқда. У гўёки мақсадсиз ётгандек, ўйда. Бироқ ўзидан нима ўтганини фақат ўзи яхши билади. Бошқалар эса бундан беҳабар. Шаҳзоданинг шу аҳволи қанотсиз анқога ўхшайди. Қанотсиз анқо уча олмаганидек, Баҳром ҳам мақсади йўлида ҳеч нарса қила олмаяпти. Ҳаракатсизлик шаҳзода ва анқо қушини ўзаро боғламоқда.

Анқо қуши билан алоқадор тасвирлар Нишотий ижоди учун ҳам хос хусусиятлардан бири саналади. Достонда анқо кўпроқ қаҳрамонларнинг нутқида қўлланилиши билан ажралиб туради. Шарқ халқлари оғзаки ижоди намуналарида Боғи Эрам атамаси ҳам кенг тарқалган. Сайёдийнинг “Тоҳир ва Зухро” достонида ҳам Боғи Эрам билан боғлиқ тушунчаларга асосланган қизиқарли тасвирлар учрайди:

Кириб Боғи Эрам ичра гадо бирла шаҳаншоҳи,  
Кечиб ўздин висол истар ўшал икки вафодори<sup>3</sup>.

Тотор шаҳрининг ҳукмдори Бобоҳоннинг бир боғи бўлиб, унинг номи – Боғи Майдон эди. Дастлабки мисрадан сезилишича, Боғи Майдон гўзалликда Боғи Эрамдан қолишмас экан.

Сайқалий ҳам мавжуд адабий анъаналарга амал қилган ҳолда мулоҳаза юритиб, “Баҳром ва Гуландом” достонида Сайфурга қарашли боғ тасвирини келтиради:

Ки бул боғдин яна бир боға кирди,  
Гулистони Эрамдек жоға кирди<sup>4</sup>.

<sup>1</sup>Нишотий. Ўша китоб. –Б. 116.

<sup>2</sup>Сайқалий. Ўша китоб. –Б. 97.

<sup>3</sup>Sayyodiy. Ўша китоб. –Б. 45.

<sup>4</sup>Сайқалий. Ўша китоб. –Б. 54.

Мусаффо ҳаво, турли иморатлар, очилган ранг-баранг гуллар, сочилган қоп-қора сунбуллар, ариқларда оқиб турган зилол сувлар кабилар Боғи Эрам тўғрисидаги тасаввурларни янада кенгайтиради.

Нишотий Боғи Эрам билан боғлиқ янги образли ифодалар яратиш борасида маҳоратли ижодкор ҳисобланади. “Ҳусн ва Дил” достонининг Хоразм диёрига бағишланган қисми фикримизга далил бўла олади. Айниқса, Нишотийнинг хоразмлик шоирлар тўғрисидаги қарашлари жуда қизиқарли:

Нутқлари нозику рангин хаёл,  
Таъблари Боғи Эрамдин мисол<sup>1</sup>.

Таъбнинг Боғи Эрамга қиёсланиши ўзига хос янгилик. Чунки Боғи Эрам мукамаллик тимсоли. Шундай экан, Нишотий ўз юрти шоирларини ҳам юксак иқтидорли, нозик дидли ижодкорлар сифатида талқин этади ва шундай бўлишини орзу қилади.

Кўҳи Қоф билан боғлиқ тушунчалар ўзбек халқ эртақлари ва достонларида кўп тилга олинади. “Баҳром ва Гуландом” достонида Кўҳи Қоф кўпроқ жанг тасвири билан алоқадор жараёнларда қўлланилади. Бунда у асосан ўхшатиш объекти сифатида вазифа бажаради. Кўҳи Қофнинг баҳайбат ва салобатли кўриниши ўхшатилаётган нарса учун асос бўлади:

Ики лашкар дема, ики Кўҳи Қоф,  
Неча қилсам сифатлар бўлмағай лоф<sup>2</sup>.

Лашкарнинг Кўҳи Қофга қиёсланиши “Ҳусн ва Дил” асарида ҳам учрайдиган диққатга сазовор деталлардан бири саналади. Чунки Нишотий достонда жанг лавҳалари боғлиқ тасвирларга ҳам алоҳида эътибор қаратади:

Топти ул эл икки тарафда қарор,  
Ҳар бириси ўйлаки кўҳи виқор.  
Даҳр киби бор эди жойи масоф,  
Даврасида лашкар онинг Кўҳи Қоф<sup>3</sup>.

Икки эл одамлари икки томонга виқор билан жойлашди. Жанг қиладиган катта бир майдон Кўҳи Қофдай беҳисоб лашкар билан тўлди.

Диссертациянинг тўртинчи боби “**Бадий тасвир воситалари поэтикаси**” деб аталади. Бобнинг биринчи фаслида “Тоҳир ва Зухро”, “Баҳром ва Гуландом” ҳамда “Ҳусн ва Дил” достонларида ташбиҳ санъати ўрганилади<sup>4</sup>. “Тоҳир ва Зухро”да Сайёдий баъзан анъанавий ташбиҳлардан фойдаланса-да, лекин янги ўзига хос ўхшатишларни ҳам ярата олган:

Таваккул нар эрур, андиша мода,  
Таваккул қилмоғон бўлур пиёда<sup>5</sup>.

<sup>1</sup>Нишотий. Ўша китоб. –Б. 24.

<sup>2</sup>Сайқалий. Ўша китоб. –Б. 166.

<sup>3</sup>Нишотий. Ўша китоб. –Б. 225.

<sup>4</sup>Шеърӣ санъатлар ҳақида қаранг: Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий. Фунуну-л-балоға. –Тошкент: Ҳазина, 1996. –Б. 84-146; Ҳусайний А. Бадойиъу-с-санойиъ. –Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1981; Зеҳний Т. Санъати суҳан. –Душанбе: Ирфон, 1979; Рустамов А. Навоийнинг бадий маҳорати. –Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1979. –Б. 30-71; Раҳмонов В. Шеър санъатлари. –Ленинобод, 1972; Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. –Тошкент: Зарқалам, 2006; Бобоев Т. Шеър илми таълими. –Тошкент: Ўқитувчи, 1996; Ҳожиаҳмедов А. Шеърӣ санъатлар ва мумтоз қофия. –Тошкент: Шарқ, 1998; Бобоев Т., Бобоева З. Бадий санъатлар. –Тошкент, 2001.

<sup>5</sup>Sayyodiy. Ўша китоб. –Б. 61.

Ошиқларнинг иши доим таваккул, дейди шоир. Ишқ ўтида куйса-да, таҳаммул, яъни сабр ва тоқат уларнинг асосий шиори. Таваккул қилмаган ошиқ бўлолмайди ва у Ҳақ йўлига ҳам лойиқ эмас. Таваккул мушуқларни ҳам еча олади. Шундай экан, таваккул Тохирнинг асосий иши бўлиши керак. Байт Тохирни сувга оқизиш буйруғидан сўнг унинг изтиробда қолган онасига тасалли берган пайтдаги қисмдан олинган. Унда айнан андишанинг модага ўхшатилиши бежиз эмас. Мода сўзи урғочи маъносини англатади ҳамда парранда ва ҳайвонларга нисбатан ишлатилади. У кўпайиш хусусиятига эга. Чунки андиша – ўй, фикр ҳам кўп, яъни чексиз. Унинг охирига етиш қийин. Шу сабабли ҳам бу йўлда ошиқ учун таваккул зарур. Байтда нимаики қисматида бўлса, унга рози бўлган ошиқнинг кечинмалари акс этган.

“Баҳром ва Гуландом” достонида қўлланилган ташбиҳлар воқеалар тасвирининг турли жараёнларини ва қаҳрамонларга алоқадор айрим хусусиятларни жонлироқ очишга хизмат қилади:

Ки ул тахт устига бир қизни кўрди,  
Юзи гул, лаблари қирмизни кўрди<sup>1</sup>.

Суратга чизилган қизнинг тасвири Баҳромда жонлидек таассурот уйғотади. Лаблари қирмиздек, гулдай чиройли бўлган малика Гуландом ишқий саргузаштларнинг бошланишига сабабчи бўлади. Байтда юзнинг гулга ўхшатилиши табиий ҳодиса сифатида Гуландомнинг гўзаллигини таърифлашда асосий восита ҳисобланади.

“Ҳусн ва Дил” достони ўхшатишларга бой. Образли тафаккур маҳсули сифатида юзага келувчи ташбиҳ Нишотийнинг ҳам имкониятларини кўрсата олади. Натижада оддий бир ҳаётий ҳодисалар бадиий дунёқарашнинг маҳсулига айланади. Ёзда қуёшнинг чиқиши билан боғлиқ тасвирга эътибор қиламиз:

Субҳ асади қилди аён кулкусин,  
Сайд этибон кеча қаро тулкусин<sup>2</sup>.

Субҳ – тонг пайти. Асад шер маъносини англатади ва шу билан биргаликда офтоб буржларидан шер кўринишида тасвирланадиган бешинчи буржнинг номи. Қуёш кечанинг қора тулкисини ов қилиб, сахар вақти ўз кулгусини намоён қилди, яъни чиқди.

Бобнинг кейинги фасли “**Муболаға**”да мазкур бадиий тасвир воситасининг дostonларда қўлланилиши таҳлил этилади. Сайёдийнинг “Тохир ва Зухро” достони соф ишқий мазмундаги асар бўлганлиги ва ундаги воқеалар тизими кўпроқ қайғу-алам билан боғлиқ тасвирларга қаратилганлигидан муболаға ҳам қаҳрамонларнинг изтиробли ҳолатларини кучайтиришда муҳим рол ўйнайди. Айниқса, Тохир ва Зухронинг ўзига хос суҳбатлари акс эттирилган мисралардаги дардли кечинмалар, уларнинг ички дунёси билан боғлиқ жараёнлар ифодаланган вазиятлар, бош қаҳрамонлар тилидан айтилган ғазаллардаги рухий ҳолатларга алоқадор тасвирлар муболаға воситасида янада таъсирчанликка эришади. Сайқалийнинг “Баҳром

<sup>1</sup>Сайқалий. Ўша китоб. –Б. 29.

<sup>2</sup>Нишотий. Ўша китоб. –Б. 79.

ва Гуландом” достонида эса бош образларнинг ишқий кечинмаларини тасвирлашдан ташқари жанг майдонларида паҳлавонларнинг куч-қудратини бўрттириш, улардаги ғайритабиийликни янада кучайтириш жараёнларидаги муболағанинг вазифасидан кечиш мумкин эмас. Шунингдек, Баҳром ва Гуландомнинг айрим фазилатлари ифодасида ҳам шоирнинг муболағанинг ҳақиқий устаси эканлиги кўзга ташланади. Нишотий ҳам муболағанинг имкониятларидан самарали фойдаланади. “Хусн ва Дил” достони ҳажман анчагина катта асар бўлганлиги, ундаги воқеалар кўламининг кенг қамровли эканлиги, турли образларнинг хатти-ҳаракатлари ва уларга хос бўлган баъзи бир хусусиятлар тасвирида шоир учун муболаға жуда қўл келади. Достонда ишқий кечинмалар билан боғлиқ ҳодисалар талқини ҳамда катта ва кичик образларга алоқадор фазилат ёки қусурлар ифодаси бўрттириш ёки кучайтиришнинг маҳсули сифатида ўзига хос ўрин тутади.

Тўртинчи бобнинг сўнгги фасли **“Ирсол ул-масал”** деб аталади. Унинг пухта намуналарини Сайёдийнинг “Тоҳир ва Зухро” достонида ҳам кўриш мумкин:

Келур бўлса, келур Шому Ироқдин,  
Кетар бўлса, кетар қошу қабоқдин<sup>1</sup>.

Байтда қўлланилган ризқ-насиба ҳақидаги “Насиб этса, келар Шому Ироқдин, Насиб йитса, кетар қошу қабоқдин” мақоли узоқ вақт сувсизликдан қийналган Тоҳирга нисбатан ишлатилмоқда. У оқиб келаётган сандиқ охир-оқибат бир тошга урилиб, бир тешик пайдо бўлибди. Натижада Тоҳирнинг сувдан баҳра олиш имконияти туғилиб, тирик қолибди.

“Баҳром ва Гуландом” асарида мақоллар Сайқалий учун илгари суриллаётган фикр ёки ғояларнинг тасдиғи вазифасини бажариши билан биргаликда ирсол ул-масалнинг имкониятларини юзага чиқариш учун ҳам хизмат қилади. Достонда Гуландомнинг ёзган мактублари кўпроқ Баҳромнинг ким эканлигини аниқлашга қаратилган. Шаҳзоданинг ким эканлиги маликани жуда қизиқтиради. Қаландарнамо кийинган бу йигитнинг ўзига ошиқлигини билгач, ҳақоратомуз мазмунда нома ҳам ёзиб жўнатади. Баҳром эса ошиқларга хос оқилона йўл тутади. Гуландомнинг ҳақиқий харидори эканлигини одоби, ахлоқи ва фазилатлари билан кўрсата олади:

Масалдур ҳар гулистон ичра гул бор,  
Ки ҳар гул поясинда хор бисёр<sup>2</sup>.

Шаҳзода маликанинг ҳар қандай жабру ситамларига чидайди, ўзининг вафодан бошқа “гуноҳи” йўклигини таъкидлайди. Маъшуканинг жафоларини гулистондаги гулларнинг ҳам тиконсиз эмаслиги билан қиёслайди. Гулнинг тиконсиз бўлмаслиги ҳақидаги ҳаётий ҳақиқат образли тарзда маъшуқа билан боғланиб, жафо қилиш ҳам севимлига хос хусусият эканлиги алоҳида уқтирилади. Байтда илгари сурилган фикрлар “Гул тиконсиз бўлмас”, “Гулга боқ – тиконни кўр, ёрга боқ – жафони кўр”, “Гулни севган тиконига ҳам чидайди” мақоллари билан ҳамоҳанг эканлигини сезиш қийин эмас.

<sup>1</sup>Sayyodiy. Ўша китоб. –Б. 80.

<sup>2</sup>Сайқалий. Ўша китоб. –Б. 107.

Нишотий қаҳрамонлар нутқида мақоллар қўллаш билан биргаликда воқеа-ҳодисалар изоҳи ёки тавсифини беришда ҳам уларнинг имкониятидан унумли фойдаланади. Бу эса дostonнинг жозибали, қаҳрамонлар нутқининг таъсирчан, тасвирланаётган ҳодисанинг образли ифодаланишида муҳим рол ўйнайди. Халқимиз орасида “Танимасни сийламас” мақоли ҳам кўп ишлатилади. Бу мақол XVIII асрда ҳам кенг истеъмолда бўлганлигидан “Хусн ва Дил” дostonи дарак беради:

Халқи жаҳон мутталиъ огоҳ эмас,  
Тонимоғон сийламаса айб эмас<sup>1</sup>.

Рақиб нутқида ўз айбларини яшириш учун ушбу мақолни мисол сифатида келтиради. Чунки Рақиб Фуод ва Назарни камокқа олиб, уларни йўқотиш пайига тушган эди. Ҳимматнинг сўроқларига жавоб тарзида айтилган гаплардан келтирилган мазкур мисралар Рақибнинг ўзига хос айёрлигидан ҳам далолат беради.

## ХУЛОСА

1. Сайёдий халқ оғзаки ижоди намуналарини яхши билган, улардаги энг илғор анъаналарни пухта ўзлаштирган ва ўз ижодига муваффақиятли тарзда татбиқ этган шоирлардан бири ҳисобланади. Дарҳақиқат, ижодкорнинг “Тоҳир ва Зухро” дostonи учун “Тоҳир ва Зухро” номли ўзбек халқ эртаги асос бўлганлигига шоирнинг ўзи ҳам алоҳида урғу берганлиги бежиз эмас. Машҳур эртақни дostonга айлантириш йўлида у тўрт йил меҳнат қилиб, оғзаки ижодда кенг тарқалган сюжетни ёзма адабиётга ҳам олиб кирди. Дoston жанри Сайёдий учун кенг имкониятлар беради. Воқеаларни батафсил тасвирлаш, эртақка нисбатан образларнинг кўплиги, бош қаҳрамонларнинг ички кечинмалари ва руҳий оламини чуқурроқ бериш кабилар шоирнинг юксак истеъдоди асосида юзага келади ҳамда дostonга ўзига хослик бағишлайди. Шунингдек, дostonдаги кўшимча эпизодлар ва персонажлар Сайёдийнинг бой фантазияга эга эканлиги ҳамда етук ижодкорлик маҳоратидан ҳам дарак беради.

2. Сайқалийнинг “Баҳром ва Гуландом” дostonида халқ оғзаки ижодининг кучли таъсири сезилади. Айниқса, эртақларга хос бўлган сюжет воқеаларининг яхшилик билан якун топиши, яхшилик ва ёмонлик кучлари ўртасидаги курашда доимо эзгуликнинг ғолиб чиқиши, бош қаҳрамонларнинг турли тўсиқларни енгиб, ўз орзу-ниятларига етиши кабилар дoston моҳиятига чуқур сингдирилган. Шунингдек, дostonнинг бош қаҳрамонларидан бири бўлган Баҳромнинг хатти-ҳаракатларида ҳам оғзаки адабиёт қаҳрамонларига хос бўлган бир қатор хусусиятлар кузатилади. Шаҳзода Баҳромнинг ғайритабиий куч-қудратга эга эканлиги, якка ўзи жангларда кўрсатган афсонавий қаҳрамонликлари, турли ваҳший ҳайвонларни енгишдаги тенгсиз маҳорати кабилар Сайқалийнинг фольклор ютуқларидан самарали фойдаланганлигини кўрсатади.

<sup>1</sup>Нишотий. Ўша китоб. –Б. 329.

3. Муҳаммадниёз Нишотий – фольклор ва ёзма адабиёт муносабатлари тараққиётига катта ҳисса қўшган истеъдодли шоирлардан бири. Унинг “Ҳусн ва Дил” достони халқ оғзаки ижодининг бой тажриба ва анъаналари таъсирида шаклланганлигини ундаги қизиқарли воқеалар, ғайритабиийлиги билан ажралиб турадиган эпизодлар, сеҳрлилик асосига қурилган турли ҳодисалар ҳам тасдиқлайди. Айниқса, асардаги Назар образи билан боғлиқ тасвирларда оғзаки адабиётга хос бўлган баъзи хусусиятлар яққол намоён бўлади. Назарнинг сеҳрли узук ёрдами билан турли қийинчиликларни енгиши, “хотами лаъл”га хос бўлган сеҳрли хусусиятлар, Гисунинг соч толаси тутатилган пайтда ёрдамга етиб келиши, шаҳзода Фуоднинг малика Ҳусннинг суратини кўриши биланоқ ҳушидан кетиши каби ҳодисалар Нишотийнинг халқ оғзаки ижоди намуналарини яхши ўзлаштирганлигидан далолат беради.

4. XVII-XVIII асрлардаги ўзбек дostonчилиги тараққиётини “Тоҳир ва Зухро”, “Баҳром ва Гуландом” ҳамда “Ҳусн ва Дил” асарларисиз тасаввур қилиш қийин, албатта. Сайёдий, Сайқалий ва Нишотийлар нафақат мавзу, ғоя ва образлар талқинида, балки тасвир жараёнида ҳам фольклор анъаналари ва ёзма адабиёт ютуқларидан бирдай фойдаланишга ҳаракат қилдилар. Наср ва назмнинг аралаш ҳолда қўлланилиши, йирик ҳажмли асарлар таркибида кичик жанрлардан фойдаланиш каби оғзаки ижодга хос адабий ҳодисалар кейинчалик ёзма адабиёт намуналарида ҳам кузатила бошлади. “Тоҳир ва Зухро” достонида назм етакчилик қилгани ҳолда сарлавҳа кўринишидаги наср намуналари шеърий матндаги воқеаларнинг қисқача изоҳи тарзида хизмат қилади. Насрий матн “Баҳром ва Гуландом” асарида назмда ифодаланмаган воқеаларни мухтасар изоҳлаш вазифасини ҳам бажаради. Воқеаларнинг батафсил баёни эса шеърий усулда давом эттирилади. Нишотий насрнинг имкониятларидан кенгроқ тарзда фойдаланишнинг уддасидан чиқади. Шунинг учун ҳам асарда катта, кичик ва ўртача кўринишдаги наср намуналари учрайди. Наср ва назмнинг уйғун ҳолдаги кўриниши “Ҳусн ва Дил” достони воқеалари тасвири жараёнида бир-бирини тўлдириб, мантиқий изчилликни таъминлайди.

5. Маснавий Шарқ адабиётида кенг тарқалган шеърий шакллардан бири бўлиб, асосан, йирик ҳажмли воқеабанд асарларнинг дунёга келишида муҳим рол ўйнаган. Бу борада Сайёдий, Сайқалий ва Нишотий каби шоирлар яратган дostonлар алоҳида маҳорат намунаси сифатида ажралиб туради. Ғазал ва мухаммас кичик шеърий жанрлар сифатида Сайёдийнинг “Тоҳир ва Зухро” асари композициясида муҳим ўрин эгаллайди. Сайқалий эса маснавий таркибида ғазал, мухаммас, мусаддас, мустазод ва тўртликларни муваффақиятли тарзда қўллаб, “Баҳром ва Гуландом”да бу анъанани янада кенгайтиради. “Ҳусн ва Дил” достонида бу тажриба учрамаса-да, бироқ маснавий таркибида ҳикоятлардан фойдаланиш кузатилади. Мазкур кичик ҳикоятлар дoston сюжети билан чамбарчас боғланган бўлиб, воқеалар ривожига тараққиётида ўзига хос вазифалар ҳам бажаради.

6. Ғазал ўзбек адабиёти тарихидаги етакчи жанрлардан биридир. У алоҳида ижод тури сифатида ёзилишидан ташқари катта ҳажмли асарлар, хусусан, дostonлар таркибида қўлланилиши билан ҳам ўзига хослик касб этади. Дostonларда ғазаллардан фойдаланиш Сайёдий ва Сайқалий ижоди учун ҳам хос хусусият саналади. “Тоҳир ва Зухро” ҳамда “Баҳром ва Гуландом” асарларида воқеалар тасвири берилишини эътиборга оладиган бўлсак, ҳар бир ғазал сюжет билан боғлиқ ҳолда қаҳрамонларнинг ички кечинмаларини чуқурроқ акс эттириш жараёнларида юзага келади. Образлардаги руҳий ҳолатларга алоқадор вазиятларни тўлақонли равишда тасвирлаш ғазалларнинг дostonлардаги асосий вазифаси ҳисобланади. Воқеалар ривожини ғазалларга ҳам ўз таъсирини ўтказишади. Образларнинг ҳолатларидан келиб чиққан ҳолда ғазаллардаги тасвир жараёни ҳам қаҳрамонларнинг руҳиятига мослаша боради. Бундай ғазаллар асосан бош образларнинг руҳий олами ва ички кечинмаларини чуқурроқ ифодалаш хусусиятларига эга эканлиги билан ҳам девонлар таркибидаги ғазаллардан фарқланади.

7. Мухаммас дostonлар таркибида қўллана олиш имкониятига эга эканлиги билан ҳам алоҳида ажралиб туради. Бундай мухаммаслар аниқ бир образларга алоқадор бўлиб, руҳий ҳолат ва ички кечинмалар тасвирини тўлақонли ифодалаш вазифасини ҳам бажаради. Дostonлардаги мухаммасларни асар сюжетисиз тасаввур қилиш қийин. Чунки бундай мухаммаслар асардаги воқеалар билан чамбарчас боғланган бўлиб, улар биргаликда яхлит бир бутунликни ташкил қилади. Баъзи бандларни тушуниш эса дostonдаги бирор бир воқеа ёки қаҳрамонларга алоқадор вазиятлардан хабардор бўлиш лозимлигини ҳам кўрсатади. Бу эса асар сюжети билан тўлиқ таниш бўлмаган китобхон учун мухаммаснинг мазмунини англашда қийинчиликлар туғдиради. Асар таркибидаги мухаммасларнинг айрим бандларида воқеабандлик хусусиятлари ҳам кузатилади. Бу эса уларга ўзига хослик бағишлаши билан биргаликда дoston композициясида муқим ўринга эга эканлигини ҳам билдиради.

8. “Баҳром ва Гуландом” дostonи композициясида тўртлик, мустазод ва мусаддас жанрларининг ҳам алоҳида ўз ўрни бор. Сайқалий тўртликлар орқали бирор воқеани тасвирламайди, балки шаҳзода Баҳром ва малика Гуландомнинг дастлабки учрашувидаги суҳбат жараёнида уларнинг имкониятидан самарали фойдаланади. Шоир мустазод орқали асар қаҳрамонлари бўлган Гуландом, Сарвосо ва Руҳафзоларнинг гўзаллигини мадҳ қилади. Асардаги ёлғиз мусаддас эса Дастур образига тегишли бўлиб, унда вазирнинг ғарибона аҳволга тушган Баҳромни учратганидан кейинги ички кечинмалари тасвири етакчилик қилади.

9. XVII-XVIII асрларда яратилган дostonларда пари, дев, аждар каби мифологик образларга алоқадор тасаввурлар етакчи ўрин тутди. Ижодкорлар парининг кўпроқ гўзаллик билан боғлиқ жиҳатларини тасвир объектига айлантиса, аждар йирик ҳажмли асарларда асосан сифатлаш ёки ўхшатиш учун объект вазифасини бажаради. Халқ орасида девнинг

одамларга зиён-заҳмат етказиши мумкинлиги ҳақидаги қарашлар кенг тарқалганлиги сабабли Сайқалий ва Нишотий кўпроқ унинг ёвуз томонларига алоқадор фикрлардан унумли фойдаланишга ҳаракат қилади. Шунинг учун ҳам “Баҳром ва Гуландом” ҳамда “Ҳусн ва Дил” дostonларида дев образи асосан салбий жиҳатлари билангина намоён бўлади.

10. Сайёдийнинг “Тоҳир ва Зухро”, Сайқалийнинг “Баҳром ва Гуландом” ҳамда Нишотийнинг “Ҳусн ва Дил” дostonларида исломий тасаввур ва тушунчаларга асосланган мифологик образларнинг ҳам ўз ўрни бор, албатта. Ҳар бир мифологик образ бадиий матн бағрида ўзига хос вазифа бажаради. Шоирлар бу образларнинг имкониятларини ҳисобга олган ҳолда фикр юритиб, маълум бир поэтик мақсад асосида уларга ёндошади. Бу эса уларнинг ижодий олами шаклланишида исломий маърифатнинг ўрни беқиёс эканлигидан далолат беради. Хизр, Сулаймон, Жамшид, ҳур, ғилмон, малак, шайтон, жаннат, дўзах, кавсар, салсабил, Боғи Эрам, Кўҳи Қоф, ҳумо, анқо, қакнус каби мифологик образлар ҳар қайси ижодкорнинг индивидуал маҳорати асосида талқин этилади. Албатта, бу борада мавжуд адабий анъаналар ҳам уларга катта таъсир кўрсатганлиги сир эмас.

11. “Тоҳир ва Зухро”, “Баҳром ва Гуландом” ҳамда “Ҳусн ва Дил” дostonларида ташбиҳ, муболаға, ирсол ул-масал санъатлари ҳам кенг қўлланилади. Образлилик ҳосил қилиш ва бу орқали юксак таъсирчанликка эришиш шоирларнинг асосий мақсади бўлганлигидан дostonларда индивидуал маҳорат намунаси бўлган янги ўхшатиш, муболаға ва ирсол ул-масал намуналари ҳам юзага келган. Бу борада Сайёдий учун ғазал, Сайқалий учун ғазал ва мухаммас, Нишотий дostonида эса маснавийнинг имкониятлари ижодкорнинг поэтик мақсадини юзага чиқариш учун хизмат қилади.



**РАЗОВЫЙ СОВЕТ ПРИ НАУЧНОМ СОВЕТЕ  $\Phi$ D.03/27.02.2020.Fil.91.02  
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ГУЛИСТАНСКОМ  
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**ГУЛИСТАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

**МАМАТКУЛОВ МУЗАФФАР РАХМОНКУЛОВИЧ**

**ТРАДИЦИИ ФОЛЬКЛОРА И ПРОБЛЕМЫ ПОЭТИКИ В УЗБЕКСКОЙ  
ЛИТЕРАТУРЕ XVII-XVIII ВЕКОВ**

**10.00.02 – Узбекская литература, 10.00.08 – Фольклористика**

**АВТОРЕФЕРАТ  
ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОЛОГИЧЕСКИХ НАУК (DSc)**

**Гулистан – 2022**

Тема диссертации доктора философии (DSc) зарегистрирована за номером B2019.3.DSc/Fil183 в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан.

Диссертация выполнена в Гулистанском государственном университете.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета ([www.guldu.uz](http://www.guldu.uz)) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

**Научный консультант:**

**Рахманов Насимхон Аскарлович**  
доктор филологических наук, профессор

**Официальные оппоненты:**

**Тўхлиев Бокижон**  
доктор филологических наук, профессор

**Турдимов Шомирза Ганиевич**  
доктор филологических наук, профессор

**Кобилев Усман Уралович**  
доктор филологических наук

**Ведущая организация:**

**Андижанский государственный университет**

Защита диссертации состоится «31» 03 2022 года в «10<sup>00</sup>» часов на собрании Разового Научного совета PhD.03/27.02.2020.Fil.91.02 по присуждению научных степеней при Гулистанском государственном университете, (Адрес: 120100, г. Гулистан, 4-микрорайон, Тел.: (67) 225-42-75; факс: (67) 225-40-42; e-mail: [glu\\_info@edu.uz](mailto:glu_info@edu.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Гулистанского государственного университета (зарегистрирована под номером 5). (Адрес: 120100, г. Гулистан, 4-микрорайон, Тел.: (67) 225-42-75)

Автореферат диссертации разослан «19» 03 2022 года

(Протокол реестра № 5 от «19» 03 2022 года)



**Б.Р.Менглиев**

Председатель Научного совета по присуждению научных степеней, д.ф.н., профессор

**Ф.Г.Шарипов**

Ученый секретарь Научного совета по присуждению научных степеней, к.ф.н., доцент

**А.Э.Маматов**  
Заместитель председателя научного семинара при Научном совете по присуждению научных степеней, д.ф.н., профессор

## ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской (DSc) диссертации)

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мировом фольклоре и в образцах письменной литературы в центре внимания ученых постоянно находятся фольклорные мотивы, образы, сюжеты, художественные выразительные средства и другие вопросы. Со временем были углублены теоретические взгляды на то, что фольклор всегда играл важную роль как уникальный источник письменной литературы, сюжеты устных народных дастанов также в какой-то мере способствовали формированию дастанов письменной литературы. Формирование традиций, характерных для устной литературы, критерии развития и влияние на письменную литературу также важны в поиске решения проблемы гармонии и своеобразия между устной народной и письменной литературой.

В мировой литературе и фольклористике особое внимание уделяется сравнительно-типологическому изучению традиций фольклора в произведениях, являющихся продуктом индивидуального творчества. Изучение фольклорных источников дастанов, связанных с письменной литературой, соотношения фольклора и письменной литературы, творческих подходов авторов к фольклору в своих произведениях, отдельных этапов развития и закономерностей этого процесса составило основу для развития специального направления в этой области.

Независимость нашей страны, наряду с различными изменениями в социальной и культурной сферах нашей жизни, еще больше усилили внимание к устной литературе. Важным вкладом в изучение национальных ценностей станет выявление возможностей творческого мышления художников через сопоставительный анализ образцов узбекской письменной литературы с фольклором, выяснение особенностей формирования литературного процесса исследуемого периода. «Необходимо создать необходимую среду и условия для пропаганды богатой истории нашей страны, ее уникальной культуры и национальных ценностей, достижений мировой науки и литературы»<sup>1</sup>. В связи с этим возникает необходимость углубленного изучения роли фольклора как источника для письменной литературы и его роли в создании близких народному духу образцов литературы, отношения художников прошлого к устной литературе и степени, в которой поэты используют в своих произведениях фольклорные сюжеты и мотивы.

Исследование темы данной диссертации в определенной степени служит реализации задач, поставленных в Указе Президента Республики Узбекистан №УП-4797 от 13 мая 2016 года «О создании Ташкентского государственного университета узбекского языка и литературы имени Алишера Навои», Постановлении Президента Республики Узбекистан №ПП-2995 от 24 мая

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2017 йил, 16 январь.

2017 года “О мерах по дальнейшему совершенствованию системы хранения, исследования и пропаганды древних письменных источников”, Постановлении Президента Республики Узбекистан №ПП-3271 от 13 сентября 2017 года «О программе комплексных мер по развитию системы издания и распространения книжной продукции, повышению культуры чтения», Постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан ПКМ№304 от 26 апреля 2012 года «О мерах по дальнейшему развитию и совершенствованию искусства бакши и сказительства» и в других нормативных актах, связанных с этой темой.

**Соответствие исследования приоритетам развития науки и техники Республики Узбекистан.** Диссертация выполнена в рамках Республиканского приоритетного направления развития науки и техники I. «Пути формирования и реализации инновационных идей в процессе социального, правового, экономического, культурного, духовно-просветительского развития информационного общества и демократического государства”.

#### **Обзор зарубежных исследований по теме диссертации<sup>1</sup>.**

Исследования закономерностей развития и взаимодействия фольклора и письменной литературы как двух поэтических систем ведутся в таких мировых научных центрах, как Университет Идианы (США), Университет Масарик (Чехия), Санкт-Петербургский государственный университет, Уральский государственный университет, Казанский федеральный университет (Россия), Университет Тарту (Эстония), Карнатакский университет фольклора (Индия), Университет Корк Колледж (Ирландия), Институт литературы имени Низами Гянджеви (Азербайджан), Институт языка и литературы имени Рудаки (Таджикистан), Институт узбекского языка, литературы и фольклора, Национальный университет Узбекистана, Ташкентский государственный университет востоковедения, Самаркандский государственный университет, Бухарский государственный университет, Ташкентский государственный университет узбекского языка и литературы имени Алишера Навои.

---

<sup>1</sup>Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи  
<https://scholarworks.iu.edu/dspace/handle/2022/17504>; <https://scholarsbank.uoregon.edu/xmlui/handle/1794/11750>;  
[https://www.sas.upenn.edu/folklore/grad\\_program/handbook/Dissertations.pdf](https://www.sas.upenn.edu/folklore/grad_program/handbook/Dissertations.pdf);  
<https://docs.lib.purdue.edu/do/search/?q=folklore&start=0&context=119483&facet=>;  
<https://global.oup.com/academic/category/arts-and-humanities/literature/mythology-and-folklore/?cc=us&lang=en>;  
<https://www.universiteitleiden.nl/en/search?website=external-site&language=en&q=folklore>;  
